Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 1996 йил 21 сентябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 71 (6768)

Даъват

Чиройли ҳайкалча ясаб, унга ҳаёт бахш этиш яхши, аммо ёш ақлни улғайтириш, ёш қалбни шакллантириш янаям яхшидир.

ВИКТОР ГЮГО

Ибрат

«ЭКОСАН» хайрия жамғармаси 26 августдан 7 сентябрга қадар Сурхондарё вилояти бўйлаб саломатлик поездини уюштирди. Улар болалар уйларига 3,5 миллион сўмлик кийим-кечаклар, озиқ-овқатлар, санитария-гигиена буюмлари, шарбатлар, турли хил дори-дармонлар улашишди.

УЧ КУННИНГ МУҲИМ БИР ҲАҚИҚАТИ

Воқеадан хабардор кўпчилик сарлавҳадан гап нима ҳақида кетаётганини пайқаб олиши қийин эмас. Шундай бўлса-да, яна бир бор эслатмоқчимиз: мамлакатимиз пойтахти Тошкентда 11-13 сентябрь кунлари Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзуидаги халқаро кенгаш-семинари бўлиб ўтди. Унда Америка, Европа ва Марказий Осиёдаги ундан ортиқ мамлакатлар делегациялари, БМТ, ЕХҲТ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда «Хюмен райтс вотч», «Эмнисти интернейшнл» каби давлатга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хорижий ҳамда маҳаллий журналистлар иштирок этишди. Анжуман ЕХҲТнинг демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Узбекистон ҳукумати ташаббуси билан ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон 1992 йил январь ойида ЕХҲТга аъзо бўлганидан буён мазкур нуфузли ташкилот билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу пайтгача Тошкентда ЕХҲТнинг бир қанча анжуманлари ўтказилди. Бир йил муқаддам Будапештда бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимиз делегацияси қатнашиб, барқарорлик ва тинчликка қаратилган бир қанча муаммоларни кўтариб чиқди.

Бинобарин, мазкур кенгаш-семинар Узбекистонда ўтказилишининг ҳам ўз сабаблари бор. Негаки, мамлакатимиз 1993 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида тасдиқланган тамойилларга содиқ эканлигини намойиш этиб келмоқда. Шу билан бирга, Узбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилишга қаратилган қонуний асослар ҳамда ҳуқуқий муассасалар яратилган. Мустақиллигимизнинг дастлабки беш йилидаёқ фуқароларнинг у ёки бу ҳуқуқларини акс эттирувчи 300 дан кўпроқ Қонун ва Олий Мажлиснинг Қонунга тенглаштирилган қарорлари қабул қилинганлиги бунинг ёрқин исботидир.

Президентимизнинг кенгаш-семинар иштирокчиларига қилган мурожаатида қайд этилганидек, Узбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетига қатъий амал қилган ҳолда, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро алоқаларни фаол ривожлантирмоқда ҳамда улкан интеграциялашув жараёнига дадиллик билан кириб бормоқда.

Бунда Узбекистоннинг ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилига асосланган ўзига хос ва ўзига мос эволюцион йўли ижобий роль ўйнамоқда.

Иштирокчиларнинг эътирофларича, анжуман Президентнинг Олий Мажлис сессиясида баён қилинган, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялашга қаратилган дастурини амалга ошириш юзасидан жиддий қадам бўлди.

Шу маънода Белгия Халқаро муносабатлар қироллик институти профессори Р. Якимчук билдирган фикрлар эътиборга лойиқдир:

«Семинар муваффақиятли ўтди. Президент Каримов тажрибасини кенг ёйиш учун барча асослар мавжуд. Танлаган йўлингиз тўғри эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим. Ҳаётнинг барча қатламларини босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг, айниқса, бошқа МДҲ мамлакатларига нисбатан реал афзалликларига амин бўлдим. Бу жараённи сунъий тезлаштириш мумкин эмас. Бундай қилиш нафақат нотабиий, балки энг ёмон салбий оқибатларга олиб келиши мумкин».

Анжуманда кенг маънода инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар ташкил этиш — Марказий Осиё давлатларининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалари фаолиятини такомиллаштиришда уларнинг ЕХҲТга аъзо бошқа мамлакатларнинг шу хил муассасалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳақида гап борди. Ва шу нарса алоҳида таъкидландики, ҳар бир халқ, ҳар бир давлат ўтмиши, миллий анъаналари, асрлар давомида тўплаган тажрибаси, ўз тараққиёт йўлига эга. Ҳар бир давлат демократия қурилишида ўз миллий нуқтаи назаридан келиб чиқади. Такрор бўлса ҳам айтиш жоизки, бу мезон тараққиётимиз туб асослари, тамойилларидан бири. Бинобарин, шундай фикрни ЕХҲТ бўлими ходими, семинар иштирокчиси П. Шеки лафзидан эшитиш янада мароқли:

— Тошкент семинаридан ўзим учун кўп нарса олдим, — деди венгриялик таниқли мутахассис. — Менда истиқбол йўлини тўғри танлаганингизга заррача шубҳа йўқ. Инсон ҳуқуқлари муаммоси ҳамма жойда бор. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари институтларини жорий этиш шуролар истибдодидан озод бўлган мамлакатларнинг барчаси учун ғоят муҳим. Узбекистонда Европа тажрибаси жиддий ўрганилаётганини ҳис этдим. Лекин, менинг назаримда, биз ўзимиз ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлар ҳам анчагина экан.

Дарҳақиқат, Белгия Халқаро муносабатлар қироллик институти директори М. Боксталь таъкидлаганидек, анжуман иштирокчилар учун «Узбекистондаги ички сиёсий вазиятни атрофлича билиб олиш имконини берди. Тасаввуримиз янада кенгайди. Шу нарса аниқки, Узбекистон раҳбарининг демократик жамият қуришга оид жаҳон тажрибасининг энг яхши жиҳатларини амалда қўллаш ниятида қилаётган ҳаракати самимий. И. Каримов томонидан ғоят ўзига хос йўл танлангани, ҳозирнинг ўзидаёқ салмоқли тажриба орттирилгани яққол кўриниб турибди. Бу тажрибани у жаҳон ҳамжамиятининг манфаатдор вакилларига муваффақият билан сўзлаб бериши мумкин. Институтимиз Президент учун шундай минбар ташкил этишга тайёр».

Эндигина олти ёшга қадам қўйган мустақил мамлакатимиз шаънига билдирилган бундай эътироф ва истаклар, турлича ёндашувлар Ватан истиқлолини азалий қисмат деб билган, шу ниятда ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро қалбида ғурур уйғотиши, шубҳасиз. Бу яна шундан далолатки, анжуман турли-туман фикр ва мулоҳазаларга бой бўлди.

Буни қўйидагича изоҳлаш ҳам мумкин: ўзига ишонган одам гап-сўздан чўчимайди. Ўз истиқболига иймон келтирган давлат камчиликларидан кўз юммайди. Шу маънода, туни бошқа, кундузи бошқа олис юртларда туриб, Узбекистонда инсон ҳуқуқларини «ҳимоя» қилишга «бел боғлаган» ватандошларимиз, мухолифатлик тожу тахтининг ҳоҳасида юрган биродарларимизнинг ҳам анжуманга таклиф этилганлиги демократик нуқтаи назардан тўғри, узбекчасига айтганда, бағрикенглик бўлди. Очиғи, улардан Узбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш юзасидан биз узбекларбоп жўяли фикр ва таклифлар чиқиб қолар, деган умидимиз йўқ эмас эди... Афсуски, бизга аввалдан маълум бир-икки гапларни айтмаганда, аксари ватандошларимиз шахсий тинч-омонлигига кафолат сўраштан нарига ўтолмадилар. Узингникиз узагингни узар, дегани шу экан-да, деб бироз ҳафсаламиз пир бўлди ҳам. Шукрки, мартабали меҳмонларимиз оқ-қорани яхши ажрата олишар экан. «Ахир, анжуманда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ташкил этишдек муҳим мавзу ҳақида гап кетяпти. Мен «Ҳа» деса, шахсий муаммосини орага тиқиштиришга уринганлар фикрига қўшилмайман», — деди анжуманда профессор Р. Якимчук.

Аслида шу жавобнинг ўзи етарли. Лекин шахсий гаразини айтиш баҳона шовшув кўтариш пайидан бўлганларнинг орқасида сояси бор. Бу соя «мухолифат»лик даъвосини байроқ қилиб, эски замон ҳузур-ҳаловатларини қумсаётган, бой берилган мартабаю манзиратлар ичини ёндираётганлар соялаб ётибди. Наҳотки, пешонасига «сиёсий мухолифат» деган ёзув ёпиштириб олгани билан одамнинг ичи ҳам узгариб қолса?

Эл ичида обрусини тўкиб бўлган, ҳаётнинг, тарихнинг ўзи рад этган одамлар бир семинар баҳона яна сиёсат отига ўтириб олиб қамчи ўйнатса-я. Одамингни топибсан!

Тўғри, демократик жамият учун сиёсий мухолифат бамисоли тарозининг иккинчи бир палласи каби зарур.

Ҳа, демократиялаш объектив жараён. Бу ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги, кучли ижтимоий муҳофаза, Конституция ва амалдаги қонунлар, ҳамма қабул қилган халқаро нормалар асосида ишлаб чиқилган Узбекистоннинг ўз моделига тўла мувофиқ келади.

Президентимиз Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек, «тегишли юридик мақомга ва конституциявий кафолатларга эга бўлган, ўз хатти-ҳаракатида давлат ва ижтимоий тузумнинг барқарор ҳолати учун жавобгар бўлган, ташкилий жиҳатдан шаклланган мухолифатнинг бўлиши — жамият ҳолатининг нормал аҳволини кўрсатади».

Сирасини айтганда, жамиятни демократиялаш ва сиёсий ислоҳотларни эски коммунистик мафкура, чириган тоталитар ўтмиш тартиблари ва сарқитларидан батамом холи, энг муҳими, 90-йиллар бошида «Қайта қуриш» ва «митингбозлик демократияси» тўлқинида мамлакатни бошбошдоқлик ва бирадарқушлик жари ёқасига келтириб қўйганларга мутлақо алоқаси бўлмаган ёш, яқинча фикрлайдиган авлод амалга оширади.

Ўтган беш йиллик тарих шуни кўрсатмоқдаки, мустақилликнинг дастлабки пайтларида ҳар бир узбек учогига оғзида газ «етказиб» берган, узининг чўнтагига эса миллион-миллион давлат маблағини уриб юборган, отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмаётган таниқли «арбоб» тоифасидаги коммунистик ғоянинг айрим ашаддий тарафдорлари бир юмалаб оташин демократ, инсон ҳуқуқлари ва озодлигининг фидойи ҳимоячиларига айланиб олишди. Чопонни тескари кийиб, янги қиёфага кириб олсам, яна узангига оёғим етади, яна халқнинг ризқи, Узбекистон насибаси ҳисобига таралла-бедод қилиб яшайман, деб хомтама бўлишмоқда, чамаси.

Бундай кимсаларга айтар сўзимиз тайин: чўчварани ҳом санабсиз! Эски замонга қайтараман десангиз, овора бўласиз. Мустақиллик қадрини англаган ҳар бир фуқаро — ёш ва озод Узбекистон фикри ана шундай!

Бундан-да лундароқ айтадиган бўлсак, Узбекистондан ташқарида сохта обрў қидирманг, четдан садақа сўраманг. Асл ўғлонга она халқ, она-заминда орттирилган обрў шараф келтиради. Ватанимга, элу юртимга хизмат қиламан деган мард ўлимни бўйнига олса оладики, мамлакатини ташлаб кетмайди.

Шу ўринда халқимиз танлаб олган буюк янгиланиш йўлида гов бўлаётган кимсаларга қарата Президентимиз юрак-юракдан айтган сўзларни такрорламоқчимиз: «Узбекистоннинг ўз келажагини бунёд этишига халақит берманг!»

Шу билан мақолага нуқта қўйсак ҳам бўларди. Пировардида анжуман бўлиб ўтган ўч куннинг муҳим бир хулосасини, муҳим бир ҳақиқатини айтиб ўтиш жоиз деб билдик. Бу ҳақиқатни ҳамкасбимиз, «Файнэншнл таймс» газетасининг мухбири С. Гунес изҳор қилди:

«Семинарда иштирок этиш, узбекистонлик фуқаролар билан эркин мулоқот қилиш жараёнида шундай қатъий хулосага келдим: Узбекистонда давлат ва жамиятни ислоҳ қилиш бўйича босқичма-босқич ва бетакрор демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда!»

(«Халқ сўзи» газетасининг 19-сентябрь сонидан олинди).



Ҳаёт қадри, умр мазмуни... Буларнинг барчаси энг аввало болаларга бўлган муҳаббатдан бошланади.

Хонобод шаҳридаги 3-мактаб ўқувчилари ҳам мазза қиладиган бўлишди. Бу ерда яқинда «Андижон ГЭС» корхонаси маъмурияти 700 ўринли янги типдаги мактаб биносини қуриб, болажонлар ихтиёрига берди. Бу янги биноли даргохда 40 нафар ўқитувчи ўқувчиларга билим беришади.

СУРАТДА: мактабнинг умумий кўриниши.

А.Усмонов олган сурат.

Муносабат

МАЪСУЛИЯТ ОШДИ

Мустақил давлатимизнинг муҳим мақсадларидан бири — маънавий жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаб вояга етказишдир. Бу мақсад ўз навбатида маорифчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу маънода Узбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик Марказини фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонини барча ўқитувчи ва мураббийлар катта мамнунлик билан кутиб олдилар.

Бутун фаолиятини озод Ватанимизнинг маънавий баркамол ўғил-қизларини тарбиялашга йўналтирган Республика Таълим маркази жамоаси ҳам мазкур Фармонни чексиз қувонч билан қарши олди. Яқинда бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида эса улар ҳукуматимизга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар. Фаоллар йиғилишида РТМ директори, профессор Ғайрат Шоумаров таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш жараёни жадаллик билан кетаёган ҳозирги даврда ёшларда миллий мафкурани шакллантириш, уларни тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш зарурлигини таъкидлади ва РТМ ўз фаолиятини мазкур Фармон асосида қайта кўриб чиқиш хусусида тўхталди. Бинобарин, маънавий-маърифий илоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устивор йўналиши деб ҳисобланиши маорифчилар нуфузини янада кўтариш билан бир қаторда масъулиятини ҳам оширади, — деди маърузачи. — Бу ўз навбатида РТМ иш фаолиятининг маънавий жиҳатларини такомиллаштириш, қуламини кенгайтириш, маънавиятга йўналтирилган тадбирларни мазмунан янгилаш, ўзига хос қирраларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ҳар йили октябрь ойининг биринчи

(Давоми 3-бетда)

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

* Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси ҳақидаги қарори эълон қилинди.

* Давлат истиқболни белгилаш ва статистика қўмитасида Марказий Осиёда маҳаллий интеграция масалалари бўйича халқаро семинар иш бошлади. Уни Германия Халқаро тараққиёт жамғармаси ҳамда Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлараро кенгашининг ижроия қўмитаси ташкил қилди.

* НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига мувофиқ ўзбекистонлик ва америкалик ҳарбий хизматчиларнинг «Ультрабаланс — 96» ҳамкорлик тактик ўқув машғулотлари давом этяпти.

* Россия Президенти Б. Ельцин ва Кремль девонхонаси бошлиғи А. Чубайс Президентлик ҳокимиятини вақтинча Бош вазир В. Черномирдинга топшириш масаласини муҳокама этишди.

* Украина Президенти Л. Кучма олий давлат мансабига ўз номзодини 1999 йилда ҳам қўйиш ниятида эканлигини айтди.

* Белорус парламенти деҳқонлар фракцияси Президенти А. Лукашенко ва парламентга мурожаат қилиб, муқобил Конституция лойиҳалари бўйича референдум ўтказишдан воз кечишга даъват этди.

* Италия мудофаа саноати энг йирик компанияларидан бирининг бошқарувчиси Франческу Гуаргилини ва иккита шаҳар прокуратураси раҳбарлари коррупцияда айбланиб, қамоққа олинди.

* Таиланд парламенти мамлакат Бош вазирига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги таклифини муҳокама этишга киришди. Бош вазирни малакасизликда, иқтисодиётни тушунмасликда ҳамда коррупцияда айблашмоқда.

Чет тилини ўргатишнинг услубу воситалари кўп. Бу ҳақда газетамизнинг 3-бетида ўқийсиз

Наманганда спорт ҳафталиги. 4-саҳифага қаранг

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

МУЗЛИКДАГИ «ҲУЖЖАТ»ЛАР

3 км чуқурликдаги Греландия музликларини ўрганган олимлар муз қатламларидаги мис миқдори тарихда мис қўплаб ишлаб чиқарилган йиллар билан боғлиқлигини топишди. 2500 йил аввал мис танга зарб этиш бошлангач, музликлар ҳаво орқали кучли ифлосланган, бироқ бу бизнинг асримиздагидан 20 марта кам экан.

ЖАЗОЛОВЧИ КОМПЬЮТЕР

Яқинда Австралиянинг Дарвин шаҳрида антиқа қонун ишга тушди. Бундан кейин яшашни истамайдиганлар компьютер олдига ўтириб махсус зонд ютадилар. Назоратчи компьютер 30 секунддан сўнг «Давом этсинми» деб сурайди, «ҳа» дейилса оз-оз келаётган нохуш наркотик модда зонд орқали ўлим шарбатини ичириб юборади.

12 бетли рақам

Мактаб ўқувчилари энг осон ёдда сақлайдиган сонлар қатори ўзига ва бирга бўлинишини (2, 3, 5, 7) ҳамда бу қатор чексиз эканлигини Евклид кашф этган эди. Бироқ Чикаго компьютер маркази қаторнинг охирини топмоқчи бўлди. Компьютер ечган жавоб 12 бетдан, 37 8632 та сондан иборат бўлиб чиқди.

Долзарб мавзу

АНИҚ ФАНЛАР БЎЙИЧА АНИҚ ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳот туфайли давлат корхоналари хусусийлаштирилмоқда, янги-янги хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалигига янги техника, технология кириб келаётир. Уз навбатида замонавий техникаларни бошқарадиган ишчи ва мутахассисларни тайёрлаш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Буларнинг ҳаммасига жуда катта сарфу харажатлар қилинаётир. Аммо бу сарф-харажатлар ҳамма вақт ҳам ўринли бўляптими? Чунки бозор муносабатларининг қонунлари шафқатсиз, узисис, ишчи ёки деҳқон билиши керак. Масалан, исталган мураккаб машинани олсак, у тўрт қисмдан иборат: ҳаракатга келтирувчи қисм—двигатель, ҳаракатни узатиш усуллари, иш бажарувчи қисм ва ниҳоят, бошқариш ускунаси. Минглаб технологик жараёнларни ҳам тўрт гуруҳга бўлса бўлади: механикавий ёки физика-механикавий, химиявий, биологик ва энергетик, технологик жараёнлар. Техника воситаларининг қисмлари ҳам, технологик жараёнларнинг гуруҳлари ҳам физика, химия, биология фанлари билан боғлиқлиги кўриниб турибди. Бу техника ва технологияни ҳам, улар ёрдамида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни ҳам математикасиз тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳисобга олсак, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва авиация техникасини ишлаб чиқариш, уларни бошқариш, улар ёрдамида халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун мактабдаёқ математика, физика, химия, биология ва бошқа аниқ фанларни чуқур ўрганиш зарурлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Шу боис таълим-тарбиянинг бошланғич бўғинларидаёқ политехник таълимни йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш зарур.

Кўп йиллик кузатишларимиз, мактаб ўқитувчисию ўқувчилари, ота-оналар, абитуриентлар, университет талабалари билан ўтказган суҳбатларимиз шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда табиий фанларни ўқитиш ишлари бироз бўшашган. Меҳнат таълими, ижтимоий фойдали меҳнат, турли корхоналар ва олий ўқув юртларига ташкил этилган экскурсиялар ҳам табиий фанлардан олган билимларини мустаҳкамлашга йўналтирмай, оддий томоша ва узундан-узоқ меҳнат таълимига айлантириб юборилмоқда. Бу зерикарли ва яхши ташкил этилмаган тадбирлар ўқувчи ва талабаларнинг бали ошишига хизмат қилмаяпти, аксинча, ўқишдан ҳам, меҳнатдан ҳам ҳафсаласини пир қилиб, тартиб-интизомни бўшаштириб юбормоқда.

Кўпинча шаҳарга қишлоқдан келган абитуриент институтларни айланиб чиқиб математикадан, физикадан, химиядан кириш имтиҳонлари бўлмаган факультетларни ахтаради. Мана, 1995 йилнинг ўзида СамДУнинг ҳуқуқшунослик факультетига бир ўринга 21 абитуриент ҳужжат топширгани ҳолда, табиий фанлар факультетла-

(Давоми 3-бетда)

МММ

ХАБАРЛАРИ

«Хамир учидан патир»

Бу ёруғ дунёни аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Қачонки, умр фаровон, кўнгиллар тоғдек кўтарилган экан, аёлга таъзимда бўлган маъқул. Чунки, доимо унга суяниб яшаймиз, дардимизни тўкиб соламиз, бир чимдим меҳримизниям доимо аёлларимизнинг юракларига солиб қўйишга ошиқамиз.

Айни вақтда аёлларнинг ижтимоий жабҳаларда тутаётган ўрни ҳам диққатга лойиқдир. Аёл илғор тикувчи, ишбилармон раҳбар, жонкуяр муаллима... Эҳ, бу эзгуликларнинг саноғига етиб бўлармиди!?.

Яқинда Узбекистон туманида «Туман хотин-қизлари фаолиятига эътибор» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Анжуманда туман ҳокимининг хотин-қизлар иши бўйича муовини Н. Қодирова қатнашиб, амалга оширилаётган эътибордаги барча ишлар бўйича йиғилганларга ахборот берди. Йўқ. Бу хамир учидан патир, холос. Аслида аёл қалби ҳатто бутун оламга ҳам сиғмайди.

TO'LIB TOSHGAN REJALAR

Istiqlol sharofati bilan Usmon Yusupov tumanining N. Nuriddinov nomidagi maktab havaskorlik to'garagi qoshida «Hilo'l» fol'klor guruhi tashkil etilgandi. Mana uch yildirki, bu guruh chiqishlari viloyatda ham ancha ko'zga tashlanib qoldi. Yaqinda mazkur jamoa viloyat miqyosida otkazilgan ko'rik-tanlovda qatnashib, ikkinchi orinni egalladi. Yo'q. Bu hammasi emas! Chunki jamoaning rejalari to'lib-toshib yotibdi-da, axir!

ҲАММА САВОБ САДОҚАТДА

Садоқатни ортмоқлаб бўлмайди. Садоқатни пуллай ҳам олмайсиз. Лекин, афсуски... Ҳа, ҳа, минг надоматки, уни бир умр дарё-дарё кўз ёшлар, изтироблар, қийноқлар эвазигагина орттирамиз, йиғамиз. Бироқ, шуни ҳам тан олиб қўйишимиз зарурки, кафтимиздаги ана шу мисқол ҳар қачон ҳам ҳақиқатдан инсон эканимизни баҳоли қудрат қайта-қайта ёдга солиб тураркан.

Китоб туманидаги 20-мактаб жамоаси ҳам ўта савобли ишга қўл урди. Улар шу мактабда ишлаган 10 нафар марҳум ҳамкасбларининг номларини абадийлаштириш мақсадида мактаб ҳовлисидан 4 сотиҳ жой ажратишди. Бу ерда марҳумлар учун «Хотира боғи» бунёд бўлади. Бу боғда ҳар бир марҳумга атаб бир тупдан чинор ва бир тупдан гул кўчати экиб парваришланади. Жамоа аҳли мактаб томорқасидан олинган соф даромадни ҳам ана шу қутлуғ ният йўлида сарфлашга келишиб қўйишди. Насиб этса, «Хотира боғи» 1997 йил март ойининг сўнгги кунида очилади.

Муаллифлар: Мухтасар КАРИМОВА, Fayzulla ESHQULOV, Абдували ОБИДДИНОВ.

МММ

ХАБАРЛАРИ

Андижонда янги турдаги ўқув муассасалари масалалари бўйича Республика семинари бўлиб ўтди

Илгари хабар қилганимиздек, Андижон вилоятида «Янги турдаги таълим муассасаларида ўқувчилар билимини диагностик таҳлил қилиш орқали таълим муассасасини бошқаришни такомиллаштириш» мавзуида Республика семинари бўлиб ўтди.

Анжуман 17 сентябрь куни Марҳамат туманининг 3-лицейида ўтиши лозим бўлса-да, ташкилий қумитанинг илгор қарашлари натижасида қатнашчилар анжуман бошлангунга қадар тўрт гуруҳга бўлиниб, вилоятдаги барча янги турдаги ўқув муассасалари билан танишдилар, тажриба алмашдилар. Аҳамиятли томони шундаки, кечки пайт вилоятлардан келган вакиллар хоналарида лицей ва гимназиялар, улардаги ўқитиш тизимини янада мукаммаллаштириш ишлари ҳақида узоқ муҳокамалар бўлиб ўтди. Одамни фикрлашга, ишлашга ундадими, демак анжуман самарасиз ўтмабди.

Дарвоқе, семинарда вилоят халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, айрим туман халқ таълими бўлимлари ва энг асосийси Узбекистонимизда очилган лицей ва гимназияларнинг директорлари иштирок этишди.

Барча қатнашчиларнинг таассуротлари ўзига хос хилма-хил, таъбир жоиз бўлса, фикрлар тарқоқдек кўринарди. Семинардаги чиқишлар, хусусан, Узбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошевнинг «Умумтаълим муассасаларида таълим мазмунини такомиллаштиришда янги турдаги таълим муассасаларининг ўрни ва истиқболлари» мавзусидаги маърузаси барча фикрларни жамлади, десак муболаға бўлмайди. Вазир асосий эътибор қайси жиҳатларга қаратилиши кераклигини санаб ўтди.

Ҳозирги лицейларимизнинг 80 фоиздан 97 фоизгача битирувчилари олий ўқув юртларига кириб ўқишяпти. Лекин ўқувчиларнинг энг яхшилари ажратиб олиниб, лицейларга қабул қилинади. Шароитлар яхши, имкониятлар кенг. Савол туғилади: Нега юз фоиз лицей битирувчиси ўқишга кириб кета олмаяпти? Лицей битирувчисининг билим мезони олий ўқув юртига кириб кетиш билангина белгиланиши охирги баҳо бўлмаса-да, ҳозирча бундан ўзга мезон бўлмаганлиги табиий ҳол деб қабул қилиниши керак. Зеро, Узбекистон халқ таълими вазири таъкидлаганидек, «Ўтган беш йил изланишлар, қидиришлар даври бўлди». Мазкур анжуманнинг ўтказилиши юқоридаги саволларга жавоб топиши керак эди.

Янги турдаги ўқув муассасаларининг сони кўпаймоқда. Бироқ бу ўқув юртларининг обрўсини, фарқини доим асраш керак бўлади. Дейлик, ҳар бир синфдаги болалар сони умумтаълим мактабларидаги каби бўлса, демак бунда фарқ қолмайди. Буни вазир алоҳида таъкидлади.

— Лицейнинг концепцияси, дастури бўлиши керак, яъни у концепсуал ҳимояланган бўлиши лозим, — деди Ж. Йўлдошев.

Хулоса шуки янги турдаги ўқув муассасалари такомиллаштирилмоғи керак. Жумладан, йўналишли лицейлар, комплекслар ташкил этиш керак.

Ҳуқуқ асослари, бозор иқтисоди асослари, экология каби зарур фанларни асраб қолиб йўналишдаги (масалан, иқтисод, тиллар) лицейлар ўқув режаси ўзига хос қилиб мослаштирилиши лозимлиги таъкидланди.

АНЖУМАН ИБРАТЛАРИ

Халқ таълими вазири лицейда кимлар ишлаши кераклиги хусусида ҳам тўхталиб, ўқитувчидаги учта асосий сифатни айтиб ўтди: а) ўқитувчи аввало касб жиҳатдан кучли шахс бўлиши; б) юксак маҳоратли, янги технологияларни эгаллаган; в) болажон бўлиши, болаларни яхши кўриши керак.

Вазир таъкидлаган яна бир асосий жиҳат шундан иборатки, ҳар бир лицей ўз маркасига эга бўлиши лозим. Бунда лицейнинг ўз рамзлари — ҳовлидаги гуллардан тортиб, лицейнинг ўз гимни каби қатор ўзига хосликлар назарда тутиляпти. Дейлик, қўнғироқ ўрнига бирор бир мусиқа янграши ҳам ўзига хос бўлса, бунинг боланинг руҳий ҳолатига фойдали жиҳатлари ҳам мавжуд.

Узбекистон халқ таълими вазири сўзини тугатар экан, барча халқ таълими ходимларига муваффақият тилади.

Анжуманда Андижон вилоят ҳокими ўринбосари Назиржон Саидов қатнашди.

Шундан сўнг қатнашчилар икки шўъбага бўлиниб, икки масалани муҳокама қилишди.

«Янги турдаги таълим муассасаларининг аттестация натижалари ва уларнинг фаолиятини бошқариш ишларини янада яхшилаш масалалари» бўйича шўъбага Давлат таълим стандартлари инспекцияси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов раҳбарлик қилди. «Янги турдаги ўқув муассасалар ишини ташкил қилиш, улар учун ўқув режа ва дастурлар тузиш, уларнинг таълим-тарбия ишларидаги фаолиятини такомиллаштириш масалалари» шўъбасига эса Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги интернатлар ва янги турдаги ўқув муассасалар бўлими бошлиғи Зиёвуддин Жалолиддинов раҳбарлик қилди. Шўъбалар йиғилиши музокараларга, мунозараларга бой бўлди. Ялпи якуний йиғинда бу таклифлар ва мулоҳазалар умумлаштирилди.

Бунда яна бир асосий масала Узбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазири Жўра Йўлдошев раҳбарлигидаги гуруҳда кўрилди. Бу йиғинда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари қатнашишди. Унда Узбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони кенг муҳокама қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди. Муҳокама этилган масалалардан яна бири Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика халқ хўжалигини 1996/97 йил кузқиш даврида ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисида»ги Қарори бўйича бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига бу борада бажарилиши лозим бўлган ишлардаги камчиликлар ўқдирилиб, тайёргарлик ишларини қаттиқ назоратга олиш топширилди.

УНУТИЛМАС ЯНА БИР ВОҚЕА

Шу куни анжуман қатнашчилари ёдида сақланиб қоладиган яна бир воқеа содир бўлди. Улар Асакадаги машҳур «УзДЭУ авто» қўшма корхонасида бўлишиб, миллий машиналаримизнинг ишлаб чиқарилиш жараёни билан танишдилар. Ҳар бир маориф ходимининг кўнглида ғурур пайдо бўлганлигини уларнинг юз-кўзидан пайқаш қийин эмасди.

Қисқа қилиб айтиш мумкинки, анжуман кунгилдагидек ўтди. Унинг самарасини эса, тез орада жойлардаги таълим муассасаларида, янги турдаги ўқув даргоҳларида кўриб қолсак ажабмас.

ТАҲРИРИЯТДАН

Ушбу қисқа ҳисобот-мақоламизда биз кўрган қатор янгиликлар, янги ўқув муассасаларидаги ўзига хосликлар, ютуқларни кенг таҳлил қилиш имконига эга эмасмиз. Демак, бундан кейин янги турдаги ўқув муассасалари иш тажрибаларидан батафсил мақолалар бериб борамиз. Шунингдек, анжуманда таъкидланган «Ўқувчиларни лицейга қабул қилиш қоидаси»нинг лойиҳаси, «Гимназияга қабул қилиш қоидаси» лойиҳаси, «Янги турдаги таълим муассасалари қабул комиссияси тўғрисида Низом» лойиҳасини ҳам чоп этиш ниятидамиз.

«КЕЛАЖАГИМИЗ ЁШ АВЛОДГА БОҒЛИҚ»

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, хусусан, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ аҳлининг турмуш шароитини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида 17-18 сентябрь кунлари Андижон ва Наманган вилоятларида сафарда бўлди.

Сафар давомида давлатимиз раҳбари Андижон ирригация машинасозлиги заводи қошида ташкил этилган «Уз тонг хонг КО» қўшма корхонаси фаолияти билан танишди. Шунингдек, Президентимиз вилоятнинг Избоскан, Олтинкўл ва Шаҳрихон тумани деҳқонлари билан учрашди. Андижон шаҳридаги 13 минг ўринли «Навруз» стадионини кўздан кечирди.

Наманган вилоятида эса, Норин ва Учқўрғон тумани меҳнат аҳллари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Юртбошимиз вилоятдаги Наманган — Учқўрғон сув тиндириш иншоотини, «Аснам текстиль» Узбекистон — Туркия қўшма корхонасини, «Авон» қўшма корхонасини, Мингбулоқ нефть конини ва «Дўстлик» теннис мажмуини бориб кўрди.

Сафар давомида, Президент келажагимиз бўлмиш болаларга яратиб берилаётган шароитлар билан алоҳида қизиқди. «Келажагимиз ана шу ёш авлодга боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмайлик» дея қайта-қайта таъкидлади. Ҳар ҳолда Президентнинг Андижондаги 1-болалар шифохонасига бориб, у ердаги аҳвол билан танишгани бежиз эмас. «Болаларимиз кенг, ёруғ, баҳаво хоналарда даволаниши керак, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Чунки биз амалга ошираётган барча ишлар мамлакатимиз келажаги бўлган соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган». Ислом Каримов бу ерда даволанаётган болалар учун турфа хил ўйинчоқлар, шифохона жамоасига эса «Дамас» тез ёрдам машинасини совға қилди.

Давлатимиз раҳбарининг сафари вақтида мамлакатимизнинг турли бурчакларида истиқомат қилувчи маориф вакиллари ҳам водийга ташриф буюрдилар. Улар иштирокида Андижон вилоятида 16-18 сентябрь кунлари «Янги турдаги таълим муассасаларида ўқувчилар билимини диагностик таҳлил қилиш орқали таълим муассасасини бошқаришни такомиллаштириш» мавзусидаги Республика семинари бўлиб ўтди.

Сўнгги пайтларда таълим-тарбия жараёнида бўлаётган янгиланишлар, ислоҳотлар ҳозирданоқ ўзининг юқори самарасини бераётир. Хусусан, жойларда ташкил этилаётган янги турдаги ўқув муассасаларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Шаҳрихон шаҳрида жойлашган Обид Содиқов номидаги 2-лицей ҳам болалар соғиниб борадиган масканлардан бири ҳисобланади. Сабаби, лицей жамоаси илм истаб келган ёшлар ишончини йўқотмаслик, уларга пухта билим бериш учун бир тан, бир жон бўлиб меҳнат қиладилар. Пастдаги суратда ушбу лицей директори Эгамбой Турсуновнинг муовинлари Маҳамадали Ҳамдамов ва Камолиддин Ғафуровлар билан ўқув ишларини янада жонлантириш масаласида кенгашаётганини кўриб турибсиз. Юқоридаги суратда эса кимё фани ўқитувчиси Шарофиддин Ғафуровнинг лабораторияда ўқувчиларга сабоқ ўтаётган пайти тасвирланган.

Х. АРАББОЕВ олган суратлар.

ДИАГНОСТИК ТАҲЛИЛ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Диагностик таҳлил биз халқ таълими ходимлари учун мустақиллик туфайли кириб келган янгилик бўлиб, уни таълим тизимига татбиқ қилишда Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббус кўрсатган эди. Вазиримиз Ж. Ғ. Йўлдошевнинг вилоятимиз маорифчилари билан учрашувда айтган «Диагностик таҳлил — меҳнатнинг ҳақиқий кўзгуси», Бухоро шаҳрида ўтказилган республика педагогик ўқишларда қилган маърузасидаги «... Айни пайтда халқ таълимида янгиланиш босқичининг энг биринчи галдаги вазифаларидан бири — бу педагогик диагностикадир, ҳозирги вақтда у мактабларимиз учун энг зарур иш бўлиб қолди», — деган гаплари мана шу усулдан самарали фойдаланишимизга туртки бўлди.

Дарҳақиқат, мазкур фикрларнинг исботини биз ўз фаолиятимизда яққол синовдан ўтказдик. Ўқув жараёнига баҳолашнинг рейтинг усулини олиб кириш ва шу асосда педагогик диагностика, яъни таҳлилни йўлга қўйиш — ўқувчи билимини холис баҳолашга олиб келди. Ўқувчида ўз билимини ўзи назорат қилиш, ўз камчилигини ўзи тузатиш учун имконият яратилди.

Республика Халқ таълими вазирлигининг ташаббусидан кейин вилоятимиз таълим тизимида диагностик таҳлилга алоҳида эътибор берилди. Айниқса, Марҳамат тумани маорифчилари бу усулнинг самарасини дастлабки йиллардаёқ сезишиб, «Ҳар бир жамоа, ҳар бир синф, ҳар бир ўқувчи — диагностик таҳлил усулига» шиори остида иш олиб бордилар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси 1992 йилдаёқ Марҳамат тумани халқ таълими бўлимининг «Диагностик таҳлил орқали таълимни бошқариш» мавзусидаги ишларини кўчма ҳайъат йиғилишида атрофлича муҳокама қилди. Бошқарманинг «Зиёкор» газетасида уларнинг диагностик таҳлил усулида олиб бораётган ишлари кенг ёритилди ва шу орқали улар тажрибаси бутун вилоятга ёйилди.

Шу билан бирга 1993 йилдан бошлаб вилоятдаги барча халқ таълими бўлимларида олиб борилган ишлар ҳам диагностик таҳлил орқали муҳокама қилинмоқда ва бу усулнинг самарадорлигига, ижобийлигига бизда ҳеч қандай шубҳа қолмади.

Дарҳақиқат, диагностик таҳлил бутун иш жараёнини, ўқувчининг қобилияти, неларга қодирлигини тула намоён этмоқда. Шу билан бирга ўқитувчининг ижодий изланишга, иш жараёнини юритишга, ишда самарали усуллардан фойдаланишга ундади. Бу усул билан иш олиб борган жамоа ўртасида узаро мусобақа, ижодий баҳолар юзага келди. Айниқса, диагностик таҳлил янги турдаги таълим муассасалари фаолиятида муҳим қирра бўлиб қолди.

Янги турдаги таълим масканларидаги ўқувчиларнинг билим доираси, қизиқишлари кундан-кун юксалиб бормоқда. Энди ўқувчиларга янада қизиқарли ва мукаммалроқ дарс жараёнларини қўллаш пайти келди. Балиқчи тумани- 5-гимназия, Шаҳрихон шаҳридаги 2-лицей ва бошқа бир неча янги ўқув муассасаларимиз кейинги икки йил мобайнида диагностик таҳлиллардан самарали фойдаланиб, баҳолашнинг энг янги — рейтинг усулида ишламоқдалар. Бу мураккаб жараён педагогик жамоадан ҳам, ўқувчилардан ҳам ғоят чидамлиликни, изланишни талаб этади. Жамоа дастлаб бир-икки синфда мазкур усулни қўллаб кўрди. Натижалар самарали бўлгач, бошқа синфларда, сўнгра босқичма-босқич барча фанларда қўлланилди.

Бу усул ўқувчида мустақил билим олиш, уни қўллаш малакасини аниқлаб беради. Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш қобилиятига қараб билим олишда янги талаблар қўйиш имконияти яратилади.

Вилоятимиздаги янги турдаги таълим муассасаларида қўлланилаётган диагностик таҳлил ва рейтинг тизимлари, албатта, узининг ижобий самарасини бериб, яхши натижаларга эришмоқдамиз. Агар 1992-93 ўқув йилида ўтказилган фан олимпиадаларининг республика босқичида қатнашган вилоятимиз вакилларининг 21 фоизи лицей-гимназиялардан бўлган бўлса, бу курсаткич ўтган ўқув йилида 70 фоизини ташкил этди. Ютуқлар узимизники, аммо ҳали қиладиган ишларимиз жуда кўп. Лицей ва гимназиялар энг иқтидорли ўқувчиларга сабоқ берадиган қутлуг маскан. Мазкур муассасалар иши жаҳон андозалари даражасида ибратли бўлмоғи лозим. Шу ният йўлида барча халқ таълими ходимлари, оталиқ ташкилотлари ва ҳокимликларнинг ёрдами ва раҳбарлигида таълимни юксак босқичларга кўтаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Аввало шуни айтиш керакки, янги таълим муассасаларига янгича ёндашиш сув ва ҳаводек зарур.Яна ўша янгича — яъни диққат, эътибор ва ёрдамни биз, биринчидан, вилоят ҳокимлигидан олдик: бизнинг янги муассасаларни ташкил қилиш бўйича таклифимиз доимо қўллаб-қувватланди. Ҳозир уларнинг сони 58 тага етди. Иккинчидан, уларда ишлаётган ходимлар ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди: «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишонимиз ва у билан бирга бир ойлик маош миқдорида мукофотимиз ҳамда 6 номдаги 12 та (бир йилда) ҳар бири энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида мукофотимиз бор. Ҳозир бундай мукофотлар кўпгина шаҳар ва туманларимизда ҳам мавжуд. Оталиқ ташкилотлари ва шаҳар, туман ҳокимликлари бу борада ташаббус кўрсатмоқдалар. Яна бир янгилик шундан иборатки, бизнинг гимназия ўқитувчилари вилоят ҳокимлигининг махсус фармойиши билан 20 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ оладилар. Умуман, таълим, айниқса, янги турдаги таълим муассасалари вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг диққат марказида ҳамда кенг жамоатчиликнинг эътиборидадир.

Дўстлар маслаҳати — олтиндан қиммат, деган ибора халқимизда бежиз айтилмаган. Шу боис анжуманда айтилган фикрлар,мулоҳаза ва қайдлар бўлажак ишларимизда дастуриламал бўлади.

Жаҳон ҳамжамиятида тобора юксалиб, ўз йўли, ривожланиш босқичида обрў-эътибор қозонаётган мустақил Узбекистонимизнинг эртанги ҳаёти бугун мактабларимизда, хусусан лицей ва гимназияларда таҳсил олаётган иқтидорли фарзандларимизга боғлиқ. Уларнинг нечоғли билимли ва юксак тафаккур эгаси бўлишлари юртимизнинг порлоқ ҳаёти ва буюк келажагига замин бўлади.

Жўрабой ХАЛИЛОВ,
Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи.

ФИКРЛАР, ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

МАРКАЗЛАШГАН ТИЗИМ КЕРАК

Аввало Андижонда Жанубий Корея давлати билан ҳамкорликда қурилган «УзДЭУавто» заводи ишга тушди. Ушбу мамлакат халқи билан ҳар томонлама алоқада бўлиш учун корейс тилида мактаб ёки лицей очилса, деган фикрдаман.

Лицейларга кириш, яъни кириш тест-имтиҳонлари марказлаштирилган (худди Давлат тест марказидек) тизимда олиниши керак, деб ўйлайман. Бунда лицейларга «тасодифан» кириб, унинг самарадорлигини туширадиган омилнинг олди олинарди.

Олимжон СОҲИБОВ,
Бешариқ туманидаги 1-лицей директори.

* * *

8-СИНФДАН БОШЛАНСА...

Лицейга 8-синфдан қабул бошланиши керак, деб ўйлайман. Шунда 8-9-синфлардаёқ фанлар чуқурлаштириб ўтилади. 10-11-синфларда касбга йўналтирилади, фанлар эса тўгараклар орқали мукаммаллаштириб ўргатилади.

Тўхтамурод ЖУМАЕВ,
Қоракўл шаҳридаги 164-ихтисослашган лицей директори.

* * *

ТАЖРИБАЛАР ГАЗЕТАДА ЁРИТИБ БОРИЛСА...

Янги турдаги ўқув муассасаларининг илғор иш тажрибаларини «Маърифат» газетаси алоҳида рукн остида мунтазам бериб борса, янгиликлардан ҳамма хабардор бўлади, яхши иш оммавийлашарди.

Ғуломиддин РОЗИҚОВ,
Бешариқ тумани халқ таълими бўлими мудири.

* * *

ЖАМОАДАГИ КАЙФИЯТ МЕНГА ЁҚДИ

Биз ташриф буюрган Шаҳрихон шаҳридаги Обид Содиқов номидаги 2-лицейнинг муваффақияти, жамоадаги кўтаринки кайфият, эртанги кунга ишонч, меҳнатининг натижасини кўра олишга иштиёқни кўриб қувондим. Мустақиллигимизнинг абадийлигига, Узбекистоннинг келажаги буюклигига бўлган ишончим собит бўлди.

Бунда янги жиҳатларни кўрдик, ўргандик. Уларнинг энг илғор томонларини ўз лицейимизга татбиқ қиламиз.

Муҳаммаджон РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят аниқ ва табиий фанлар лицейи директори.

* * *

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР БИЗНИ ҚУВОНТИРДИ

Вилоятда иқтидорли болаларга берилган эътибор, улар учун яратилган шароитлар бизни ниҳоятда қувонтирди. Айниқса, Избоскан туманидаги 15-лицей, 8-нафис санъат мактабида ўқувчилар истеъдодини, қобилиятларини янада ўстириш учун яратилган қулайликлар бизда катта таассурот қолдирди. Ўқувчиларнинг машғулотлардан кейин мустақил ишлашлари, спорт тўгаракларида қатнашишлари, ўзлари танлаган соҳа бўйича қобилиятларини ўстириш учун етарли шароитлар яратилгани бизни қувонтирди.

Жалолқудуқ туманидаги Ойим қишлоғида жойлашган тиллар лицейи ўқувчиларининг ҳамда Қўрғонтепа туманидаги Зебуннисо номли 8-лицей ўқувчиларининг инглиз-француз тилларида эркин, бийрон сўзлашларини кузатдик. Қўрғонтепа тумани Дордоқ қишлоғида жойлашган химия, биология ва инглиз тилига ихтисослашган 18-лицей-интернатида бўлганимизда бу ерда ҳақиқатан ҳам маориф фидойилари ишлаётгани, ёшларнинг тақдири ўз касбининг ҳақиқий усталари қўлида эканлигига гувоҳ бўлдик.

Шунингдек, анжуман хулосасидан ўз фаолиятимизни янада яхшилаш борасида ҳам зарур йўл-йўриқлар, маслаҳатлар олдик. Ишимиз жараёнида уларга, албатта, суянамиз.

Исмоил БОЛТАЕВ,
Челак туман халқ таълими бўлими мудири.

МАХСУС ЖАМҒАРМАМИЗ БОР

Гимназия ва лицейлар чиндан ҳам мустақиллигимизнинг илк ва самараси беқиёс меваларидир. Мен буни ўз ўқув масканимиз мисолида яққол сезиб турибман. Ахир республикамиздаги ёш авлодга эътибор бунчалик юксак даражада бўлганми? Асло, Собиқ Иттифоқ даврида бизнинг фарзандларимиздан юксак мартабали инсонлар, таниқли олиму фозиллар етишиб чиқишидан Москва мутлақо манфаатдор эмасди.

Мустақиллигимизга минг бора шукроналар келтириб айтаманки, истиқлол туфайли ёшларга порлоқ истиқбол эшиги очилди, уларнинг чинакам билим олиши, фан марраларини эгаллаши, тафаккур доирасини кенгайтириб, илм жабҳасининг энг сунгги ютуқларидан баҳраманд бўлиши учун кенг имкониятлар вужудга келди. Ҳозир биргина бизнинг илм масканимизда туманимизнинг турли қишлоқларида яшовчи 112 та иқтидорли бола чуқур билим оляпти. Уларга юқори малакали 25 муаллим ҳамда тарбиячи сабоқ беряптилар.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин. Ҳўш, янги типдаги ўқув муассасаларининг умумтаълим мактабларидан фарқи нимада? Мен бу саволга ўз гимназиямиз мисолида жавоб беришим мумкин. Аввало бизда физика, математика, инглиз тили фанлари ва ЭҲМ чуқур ўргатилади. Шунинг учун ҳам ўқишга келган болалар синов асосида қабул қилинади. Биз муаллимларни ҳам билими, қобилияти, ўзи сабоқ бераётган фанни қай даражада пухта эгаллаганлигига қараб танлов асосида ишга оламиз.

Айни чоғда ўқувчиларнинг тафаккур доирасини кенгайтиришга ёрдам берадиган, маънавиятини оширадиган, уларда юксак умуминсоний фазилатларни таркиб топтиришга хизмат қиладиган қўшимча дарслар, тадбирлар уюштирамиз. Мақсадимиз — ёш авлодга жаҳон андозаси даражасида билим беришдир. Гимназиямизни такомиллаштириш соҳасида илмий, ижодий, педагогик изланишларимиз давом этмоқда. Шунга қарамай қисқа давр мобайнида бирмунча ижобий натижаларга ҳам эришдик. Ўқув юртимизда уч марта вилоят семинари ўтказилганлигининг ўзи педагогик жамоамиз ташаббус ва қизиқиш билан меҳнат қилаётганлигининг ёрқин далилидир. Умуман, фанларни ўқитиш бўйича пухта ишланган дастурга эгамиз. Албатта, бу дастур аксиома эмас, уни ҳаёт оқими ва болаларнинг дарсларни ўзлаштириш имкониятларига мослаб таклиф этилди. Ўтган йили иқтидорли ёшларни танлаб олиш, рағбатлантириш мақсадида олимпиада гуруҳи ташкил этдик. Шунга кўра бир ўқув йилида икки марта — апрель ва ноябрь ойларида фан олимпиадаларини уюштириш анъанага айланмоқда.

Ўқувчиларимиз меҳнатини баҳолаш, ўқувчиларда билим олишга қизиқишни янада кучайтириш, гимназиянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида махсус жамғарма очдик. Маблағлар ҳомий ташкилотлар, ота-оналарнинг ихтиёрий ёрдами ҳисобига тўпланмоқда. Ана шу маблағ ҳисобидан Улуғбек, Ал-Хоразмий, А. Навоий, Бобур номида стипендиялар ташкил этилди.

Республика мустақиллигининг 5 йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган «Камолот—96», «Ватанни севмоқ иймондандир» кўрик-танловлари гимназиямизда бўлиб ўтган ўнлаб тадбирлар ичида энг қизиқарли ва оммавийси бўлиб қолди.

Ўқувчилар билан, айниқса, иқтидорли ёшлар билан ишлаш мунтазам равишда ижодий изланиш, сабр-бардошини, муаллимлик маҳоратини доимо ошириб боришини талаб қилади. Гимназиямизнинг Сирожиддин Умматов, Ф. Умарова, Мақсудахон Умарова каби ташаббускор педагоглари ана шундай заҳматли меҳнатни ҳаётий эҳтиёж даражасида билиб, ёш авлодга намунали тарбия, мустаҳкам билим бермоқдалар.

М. ИМОМОВ,
Балиқчи туманидаги Солижон Ҳамдамов номли 5-гимназия-интернат директори.

Саҳифа материалларини О. СИДДИҚОВ ва Ҳ. САЙИД тайёрлади.

Иқтисод сабоқлари

ТОВАР, ХОМ АШЁ ВА ФОНД БИРЖАЛАРИ

Дилер (draler) — ишбилармон савдогар маъносини англатади. У алоҳида шахслар (ташкилотлар), фирмалар ва фонд биржасининг аъзоси бўлган банклар бўлиши мумкин. Унинг брокер ва маклердан фарқи фаолиятини мижозлар ҳисобига эмас, балки ўз ҳисобига, яъни фойдасига йўналтириб боришида ҳамда биржа ёки савдо воситачилиги билан шуғулланишдадир. Дилер ўз номидан иш кўрдаи. Шунингдек, у брокерлар, маклерлар, бошқа дилерлар ва мижозлар ўртасида воситачилик ишларини ҳам бажариши мумкин. Воситачиликда дилер брокер сифатида ҳам иш кўради, лекин унинг фаолиятида мустақил савдо қилиш воситачиликдан устун туради, чунки у сотиб олинган товарларнинг эгаси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун унинг даромади мукофотлар ёки такса тўловларидан эмас, балки сотиб олинадиган ва сотиладиган товарлар нархи ўртасидаги фарқдан келадиган фойдадан ташкил топади. Демак, дилерлик операцияси деганда биз ҳам ўзи сотиб олиб, ҳам ўзи сотишини тушунишимиз керак.

Ҳақиқий талабнинг ҳажми, таркибий тузилиши ва динамикаси биржа орқали аниқланади. Шунинг учун ҳам биржани бозорнинг созловчиси, тартибга солувчи (регулятори) дейилади.

Хўш, биржада қандай битимлар тузилади? Биржада тузиладиган битимлар бир неча турга бўлинади:

— амалда бор товарларнинг олди-сотди битимлари; шу жумладан, товарларни дарҳол бериб юбориш ёки етказиб бериш ёхуд товарга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни топширишни кўзда тутувчи олди-сотди битимлари;

— амалда бор товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктирган ҳолда харид қилиш ва сотишга доир (форвард) битимлар;

— стандарт контрактларга доир олди-сотди (фьючерс) битимлар;

— товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нархлар бўйича келгусида харид қилиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди(операцион) битимлар.

Биржа савдо-сотиги қоидаларида кўзда тутилган бошқа битимлар ҳам тузилиши мумкин. Масалан, биржаларараро битимлар.

Форвард, фьючерс битимлар ҳамда операцион савдосини амалга оширувчи биржа ўзининг ҳисоб-китоб марказлари орқали битимлар ижросини кафолатлаши шарт.

Савдо-сотиқ операциялари фақат лицензиялар асосида биржа фаолияти қатнашчилари томонидан амалга оширилади. Лицензия эса биржани ва биржа фаолияти қатнашчиларини давлат руйхатидан ўтказилгандан сўнг берилиши мумкин. Аммо биржа механизми классик усулда ишлаши учун зарур шартлардан бири у нодавлат жамоа ташкилоти бўлишидир. Бунда нархлар ва маҳсулотнинг эркин сотилишига, талаб ва таклифга ҳеч қандай ташқи таъсир халақит бермаслиги керак.

Узбекистонимизнинг яқин тарихида, аниқроғи, 1920 йилларда Тошкент ва Самарқанд биржалари фаолият кўрсатган. Аммо шўро ҳокимиятининг социализм қуришга ўтиш сиёсати туфайли бу биржалар тугатилган.

Узбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши, мамлакатимизда янги иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши биржаларни вужудга келтиришга ва кенг фаолият юритишга имкон берди. Ҳозир мамлакатимизда 30 дан ортиқ биржа фаолият кўрсатмоқда. Булардан биринчи бўлиб «Тошкент» биржаси 1991 йил 3 апрелда таъсис этилди ва руйхатга олинди.

Ташкилий, психологик ва бошқа қийинчиликларга қарамасдан, бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи биржалар муваффақият билан ривожланмоқда. Масалан, «Тошкент» биржасининг солномасига назар солсак, унинг қисқа муддатда эришган ютуқларини кўрамиз. 1991 йил 11 июнда призентация ва биринчи савдо бўлиб ўтиб, 21 июнь, 10 июль, 8 октябрь кунлари брокерлик ўринларининг кимошди савдоси ташкил этилган. 1991 йил август ойидан бошлаб мижозларни қизиқтириш ҳамда уларга иқтисодий қулайлик яратиш мақсадида барча товарлар бўйича биржа хизмати учун олинадиган ҳақ 2 фоиз урнига 0,5 фоизга туширилган, пахта бўйича эса 0,2 фоиз ҳақ олиш кўзда тутилган холос. Биржа келажакда умуман ҳақ олмасдан хизмат кўрсатишни мўлжалламоқда. Бу биржа ўша август ойининг ўзидаёқ халқаро биржалар конгрессига ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистон биржалар ассоциациясига аъзо бўлган ва 60 миллион сўмлик устав капитали билан акционерлик жамиятига айланган.

«Тошкент» биржасида аввалига ҳафтада бир кун савдо-сотиқ билан шуғулланишган бўлса, ўша август ойидан бошлаб — 2 кун, октябрь ойидан эса ҳафтасига 3 кун савдо-сотиқ ишларини бажарадиган бўлишининг ўзи унинг ўсиш суръатини кўрсатадиган далилдир. Бу биржада минглаб мол етказиб берувчи ва уни истеъмол қилувчилар, сотувчи ва харидорлар бир-бирларини топдилар. Натижада, товарлар оқими жонли юра бошлади. Биржа фақаттина ҳужаликлараро узулиб қолган алоқаларни қайта тиклабгина қолмай, балки цивилизациялашган (замонавий) бозор эшикларини очиб берди. Бу ютуқларнинг сабаби биржа таъсисчилари ва унда ишлаётган ходимлар ўз олдиларига фақаттина тижорат мақсадинигина қўймай, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш нуқтаи назаридан масалага кенг ёндошганларидир.

Узбекистон Республикаси товар ва хом ашё биржасининг 1996 йилнинг ўтган 6 ойидаги ҳисоботи ҳам диққатга сазовор. Ярим йилда 6 миллиард 470 миллион 980 минг сумлик 1351 та контракт тузилган. Бу 1995 йилнинг биринчи ярмига нисбатан пул ҳисобида 2,1 баробар, тузилган контрактлар сони бўйича 2,5 баробар ортиқ демакдир. Жорий йилдаги тузилган контрактлар 96 фоизининг экспорт турдалиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Республика товар ва хом ашё биржаси доимий ярмаркасида аграсаноат тизимидаги ташкилотлар билан 110,57 миллион сумлик 119 та контракт тузилди. Усимликдан яратилган толаларга ва улардан тайёрланган матоларга, шойига, металларга, пахтани қайта ишлашдан пайдо бўлган маҳсулотларга, ноорганик кимё маҳсулотларига ва бошқа товарларга talab катта. Бугунги кунда Европа, Осиё ва Америка қитъаларидаги 35 дан ортиқ фирмалар мамлакатимиздаги мазкур биржанинг мижозларидир. Узбекистон ҳудудида Республика товар ва хом ашё биржаси биринчи бўлиб фьючерс констрактларини тузишни амалга оширмоқда.

Биржаларни ташкил этиш ва биржа фаолиятини ҳуқуқий бошқариш тартиби Республикамизда қабул қилинган «Биржалар ва биржалар фаолияти тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган. 1994 йилга қадар товар ва хом ашё биржаларининг фонд бўлимларида қиймматбаҳо қоғозлар ва валюталар билан шуғулланишган.

Республикамизда хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи давом этаётган ва асосан ҳиссадорлик (акционер) жамиятларининг қўпайиши ва жамиятлар ўз акцияларининг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг сотилиши жараёнида фонд биржалари катта аҳамиятга эга бўлиб қолди. Шу боис 1994 йилнинг январь ойида Республика фонд биржасини ташкил этиш тўғрисида Президентимизнинг фармони чиқди. Бу ҳужжат асосида 1994 йилнинг 8 апрелида Тошкент Республика фонд биржаси (ТРФБ) ёпиқ акционерлик жамияти шаклида ташкил қилинди. Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш қўмитаси қошидаги эксперт маркази ҳамда «УЗФИМИНИНВЕСТ»лар ТРФРБнинг муассислари бўлдилар.

Фонд биржаси — бозор инфрастуктурасининг муҳим бўлими, қиймматбаҳо қоғозлар, валюта олди-сотди бўйича мунтазам фаолият кўрсатувчи ташкилотдир.

Янги ташкил топган фонд биржасининг асосий вазифаси — Узбекистон Республикасида ҳозирги замон қиймматли қоғозлар бозорини ташкил этишдан ва ривожлантиришдан иборат.

Қиймматбаҳо қоғозлар товар ўрнини босадиган молиявий бирликлардир. Уларни чиқарадиган эмитентлар деб, харид қилувчилар эса инвесторлар деб юритилади. Қиймматбаҳо қоғозларнинг эмитентлари давлат, маҳаллий ҳокимиятлар, банклар, акционерлик жамиятлари, корхоналар ва ташкилотлар бўлиши мумкин. Улар ўзлари чиқарган қиймматбаҳо қоғозлар учун эгалари (инвесторлар) олдида бурчли ҳуқуқий шахс ҳисобланадилар. ТРФБнинг асосий фаолияти қиймматбаҳо қоғозлар бир маромда муомалада бўлишинг зарур шарт-шароитларини таъминлашга, уларнинг бозор баҳосини белгилаш ва уларга доир маълумотларни керагича тарқатишга, қиймматбаҳо қоғозлар бозори қатнашчиларининг касбмаҳоратини такомиллаштириш юзасидан ғамхўрлик қилишга қаратилгандир.

ТРФБда брокерлик ўрнини сотиб олган юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, ажнабийлардан (АҚШ, Покистон ва бошқа давлат вакилларидан) ташкил топган икки юздан ортиқ биржа аъзолари мавжуд. Аъзолар мустақил юридик шахс ёки бўлим, шаҳобча қурилишида фаолият кўрсата оладиган брокерлик идораларини очиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қиймматли қоғозлар муомаласини амалга ошириш учун фонд биржа аъзолари рухсатномаларига эга бўлиб, инвестиция мақомини олган бўлишлари керак.

Брокерлик ўрнини сотиб олган жисмоний шахс уни давлат ҳокимияти маҳаллий органларида руйхатдан ўтказилгандан сўнг ва банкда ҳисоб-китоб рақамини очгандан кейин олди-сотдида қатнашиш учун рухсат этилади. Қиймматбаҳо қоғозларга тегишли биржа амалларининг қоидаларини биржанинг юқори бошқарув органи Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлайди. Фонд биржасининг раҳбар органи — бошқарма ва бошқармага сайланган раис ҳисобланади.

Республика фонд биржаси биржа аъзоларини қўлланмалар билан таъминлайди ва уларга ёрдам беради. Уларни Узбекистон, Яқин ва Узоқ Шарқ, чет эл давлатларининг қиймматбаҳо қоғозлари бозоридаги вазиятлардан хабардор қилиб туради.

Кўп ҳолларда биржанинг таркиби экспорт, малака, маклериат ва баҳолаш комиссиялари ҳамда низомларни ҳал этиш комиссиялари, маслаҳат ва маълумот берувчи шўъбалардан ташкил топади.

Экспорт комиссияси эмитентларнинг (ўз акцияларини биржада сотмоқчи бўлган ташкилотларнинг) қиймматбаҳо қоғозларини биржага чиқармасдан, аввал уларни иқтисодий-молиявий ҳолатини ташкил қилади. Экспертиза эмитентларнинг бухгалтерлик ва молиявий ҳисоботи асосида махсус услублар билан компьютер ёрдамида амалга оширилади. Олинган натижага қараб қиймматбаҳо қоғозларни биржа савдосига чиқариш учун лицензия берилади. Лицензия берилмаган қиймматбаҳо қоғозлар биржадан ташқари бозорларда сотилади.

Малака комиссиясининг вазифаси брокерларнинг малакасини текшириш ва уларга қиймматбаҳо қоғозлар муомаласини амалга оширишга рухсат беришдан иборатдир. Баҳолаш комиссияси биржада савдо бўлаётган кунда қиймматбаҳо қоғозлар нархини белгилаб беради.

Маклериат биржа савдосини ташкил этади ва ўтказади. Бунинг учун молия брокерларидан қиймматбаҳо қоғозларни сотиш ва харид қилиш тўғрисида аризалар қабул қилади. Амалга оширилган савдоларнинг ҳужжатларини расмийлаштиради.

Низомларни ҳал этиш комиссияси қиймматбаҳо қоғозлар муаммосини амалга оширганда келиб чиқадиган келишмовчиликларни кўриб чиқиб, ечимини топади.

Савдо-сотиқ давомида қонунларга ва биржа устави талабларига риоя қилинишини Молия вазирлигининг вакили назорат қилиб боради.

ТРФБ хусусийлаштириш, ҳиссадорлик жараёнини йўлга қўйиш, Узбекистон Республикаси иқтисодиётини бозор тараққиётига ўтказишга қаратилган мамлакатимиздаги биринчи қиймматбаҳо қоғозларнинг расмий ташкилотидир. Ҳар қандай корхона ўз акцияларини биржа бозорида сотишни истаса, буни фақат ТРФБ орқали амалга ошириши мумкин. Шу боис фонд биржаси капитал маблағларни марказлаштирувчи энг кучли восита десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Шу йил август ойининг сўнгги ҳафтасида ТРФБда 41 ҳиссадорлик жамиятининг умумий қиймати 52,6 миллион сўмлик 131,8 минг дона акцияларни сотиш бўйича битимлар тузилди.

Республика кўчмас мулк биржасида ҳам ишлар юришиб кетган. Унинг вилоятлардаги шаҳобчаларида август ойининг охирги ҳафтасида 14 та кимошди савдоси ва 15 та биржа савдоси бўлиб ўтди.

Шу йил Навруз байрами арафасида Республикамиздаги ноёб қурилишлардан бири Республика Биржа Маркази биноси фойдаланишга топширилди. Энг замонавий техника, компьютерлар ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида (МДҲда) ягона бўлган табло кўрсаткичи билан жиҳозланган бу Марказда Мулк биржаси, Миллий инвестиция фонди ҳамда Миллий депозетарий жойлашган. Бу ерда дунё биржалари билан алоқа қилиш сунъий йўлдош орқали амалга оширилади. Савдо ўтадиган зал — биржанинг юраги. Бино миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура услуби билан уйғунлашиб кетгандир...

Умуман олганда, Республикамизда биржа ҳаракати тобора жонланиб бормоқда. Мустақиллик байрамимизнинг 5 йиллиги нишонланган пайтга келиб мамлакатимизда иқтисодий манзара тубдан ўзгарди. Эндиликда биз сифат жиҳатдан янги, маданийлашган иқтисодиёт шароитида яшамоқдамиз.

Ёрқин МУҲИБОВ,
иқтисод фанлари номзоди, доцент.

(Боши 1-бетда)

рига 6—8 абитуриент ҳужжат топширган. Агар ҳуқуқшунослик факультети азалдан шундай бўлган дея эътироз билдирсангиз иккинчи хил кўрсатгич ҳам бор. Табиий фанлар факультетларига қабул қилинганларнинг тест бўйича тўплаган баллари юқори эмас.

Университетга кириш учун келган абитуриентлар ҳамда кўпчилик қишлоқ мактабларининг аълочи ва илғор ўқувчилари билан ўтказган суҳбатларимда шу нарса маълум бўлдики, мактабни тугатиб эрта-индин қишлоқ меҳнаткашлари қаторига қўшиладиган ёшлоқ бир сотих ёки гектар ер сатҳи қанча бўлишини тасаввур ҳам қила олмайди, уч бурчак, тўрт бурчак ёки трапеция шаклидаги ер сатҳини қандай улчаб топишни билмайди.

АНИҚ ФАНЛАР БЎЙИЧА АНИҚ ВАЗИФАЛАР

Битирувчиларнинг аксарияти тригонометрик ва алгебраик функцияларни билмайди.

Бизнингча, бу каби муаммоларни ҳал этишни мактабга, муаллимга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришдан бошлаш керак. Кейинги йилларда иқтисодий қийинчиликларни рукач қилиб, айрим тажрибали муаллимлар мактабни, қобилиятли ёш олимлар университетларни ташлаб кетмоқдалар, ишлаётган ўрта даражадаги ўқитувчилар эса ўз вазифаларига совуққонлик билан қараб, дарсларини ўтиб-ўтмай ўзларини ё бозорга ёки ижарага олинган ерига уриб кетаяптилар. Бозорларда ўқитувчи билан ўқувчиси чет эл товарларини рақобат қилиб сотиб ўтирган ҳоллар ҳам учраб турибди. «Ойликка яраша ишлаяпмиз-да». деб бепарво юрган ўқитувчини кўрганимда ёки дарс қилмай келган болани ўқитувчи қойиганда ота-оналар келиб: «ўқимаган одамнинг куни ўтмаяптими, нима учун боламни ҳақорат қилдинг, керак бўлса ўқимаган одам сенга ўхшаш муаллим-салимдан яхши яшаяпти», деб дағдаға қилганини эшитганимда болакай энди кимдан ўрнак оларкан, дея ўйлаб қоламан.

Эндигина беш йиллик тўйини ўтказган мустақил давлатимиз олдида жуда катта вазифалар турганини тасаввур қиламан, Эй, одамлар, ватандошлар, бу муаммоларни Президентимиз қандай ечиб берар экан деб бир чеккада лоқайд қараб турмайлик, муаммоларга, лоқайдликка қарши жанг бошлайлик, фарзандларимиз мурғак онгини турли фисқу фасод гаплар билан заҳарламайлик, уларнинг онгини миллий мустақиллик мафкураси билан бойитайлик, ҳар жиҳатдан етук инсон қилиб тарбиялайлик, деб ҳайқиргим келади.

Бобоқул ЖЎРАЕВ,
СамДУ физика факультетининг доценти.

НАМУНАЛИ ИШЛАР

Булоқбоши туманидаги 13-ўрта мактабнинг бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси томонидан халқ таълими ходимларини ижтимоий ҳимоялашда бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ўтаётган ҳар бир байрам кунларида мактабда меҳнат қилаётган барча ходимларга арзон нархда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан картошка, сабзи, пиёз, гуруч кабилар етказиб берилаяпти. Мактабнинг 20 нафар ўқитувчисига ушбу йилда 3000 сум моддий ёрдам кўрсатилди.

Дарҳақиқат, бу мактаб касаба уюшмаси қўмитаси яқинда вилоят миқёсида бошланғич касаба уюшма қўмиталари ўртасида ўтказилган қўрик-танловда биринчи ўринни эгаллаб, 2000 сўм пул билан тақдирланди.

Шухратбек КЕЛДИЕВ.

Эҳзоз

КИМЁ ИЛМИНИНГ ФИДОИЙСИ

Бундан роппа-роса ўн саккиз йил муқаддам Тошкентда назарий ва амалий кимё соҳасида тадқиқотлар олиб борувчи муассасалар ҳалқаро уюшмасининг макромолекуляр кимё бўйича XXV ҳалқаро симпозиуми ўтказиладиган бўлди. Анжуманнинг айнан Узбекистон пойтахтида ўтказилиши бежиз эмас эди, албатта. Узбек кимёгарларининг макромолекуляр кимё соҳасида эришган муваффақиятлари, унинг ривожига қўшаётган салмоқли ҳиссалари, қолаверса, полимер саноатининг республикада нисбатан тез суръатлар билан ривожланаётгани ушбу симпозиум Тошкентда ўтказилишида узбек кимёгарлари эришган ютуқларни тан олинганлигидан далолат берарди.

Шу муносабат билан Республикамизнинг ўша вақтдаги раҳбари (раҳматли) Ш. Р. Рашидов Тошкент давлат университетининг физикавий кимё кафедрасига ташриф буюрди. Бу тарихий учрашувда кафедранинг ёш профессори, кимё фанлари доктори Уткир Мусаев ўзи бошлиқ гуруҳ олиб бораётган юқори молекуляр бирикмалар кимёсининг долзарб илмий изланишлари фундаментал бўлиб, олинган полимерларни тиббиётда, биология ва бошқа соҳаларда ишлатилиши мумкинлиги тўғрисида қисқа, аммо сермазмун гапириб бериши республикамиз раҳбарини қизиқтирди ва шу соҳани ривожлантириш кераклигини таъкиллади. Шундан сўнг Тошкент давлат университетининг кимё факультетида синтетик полимерлар кимёси кафедраси очилди ва унга раҳбарлик қилиш ёш олим профессор У. Мусаевга ишониб топширилди.

У. Мусаев асли кимё факультетида таҳсил олиб аспирантурада қолдирилган ва 1963 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1961 йилдан факультетнинг физикавий кимё кафедрасида ассистент, катта ўқитувчи, кейинчалик доцент лавозимларида фаолият кўрсатиб келди. 1975 йилда самарали илмий тадқиқот ишлари натижаси сифатида «Алкалоидлар ва бошқа физиологик фаол бирикмалар ҳосилалари асосида янги полимерлар синтези ва уларни тадқиқ қилиш» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу тадқиқотларга ёш фан номзоди 1964 йилдаёқ биринчи «гишт»ни қўйган эди.

Ажойиб хусусиятларга эга бўлган янги полимерлар яратиш, шу билан бир қаторда синтетик полимерлар кимёсини янада ривожлантириш зарурияти туғилганлиги ва юқори малакали полимерчи-кимёгарлар тайёрлашнинг сифати ва самарадорлигини ошириш бу изланишларни бошлашга асос бўлганди. Шу билан дунё амалиётида илк бор физиологик фаол синтетик ва табиий бирикмалар асосида сувда эрувчи полимерлар синтезини амалга ошириш ва уларни кенг тадқиқ этиш билан юқори молекулали бирикмалар кимёсида янги соҳа очилишига катта ҳисса қўшилди. Бу ишларнинг ривожланиши натижасида Узбекистонда тиббий ва функционал фаол полимерлар кимёси илмий мактаби яратилди. Бу мактаб ўз илмий ютуқлари билан амалиётга тавсия этган илмий ишлар натижалари билан МДҲ мамлакатларида ва чет элларда эътиборга олинган ва танилган.

Биз юртимизнинг бу хассос олими ўз илмий ишлари орқали республикамиз халқ хўжалигига нечоғлиқ хизмат қилганини икки-уч оғиз шарҳ билан баён этиб беролмаймиз, албатта. Бироқ у кишининг ташкилотчилик фаолияти ҳақида ҳам андак қистириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳеч қандай муболағасиз таъкидлаш лозимки, У. Мусаев Узбекистон Республикасида олий мактаб муаммоларини — ўқитиш, таълим бериш ва бошқаларда нафақат университетда, Тошкент шаҳри олий ўқув юртларида, балки мустақил Республикамизда билимдонлардан биридир. Тошкент давлат университетининг ўқув ишлари бўйича проректори лавозимида ишлаган йиллар у студентлар билимини баҳолашнинг рейтинг-тест тизимига асос солибгина қолмай, ўзи бошчилик қилаётган синтетик полимерлар кимёси кафедрасида 1987—88 ўқув йилида амалиётга жорий этди. Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг топшириғига биноан профессор Уткир Мусаев бошчилигида университетлар учун бакалавр тайёрлаш андозаси ишлаб чиқилди. Худди шунингдек, домла Узбекистон Республикаси Олий ўқув юртларининг концепциясини ишлаб чиқишда ҳам фаол қатнашди.

У ўқув жараёнида мустақил иш тақвими режаларини рейтинг (модуль) тизимини такомиллаштиришга ва жорий қилишга астойдил киришганлардан биридир. Бунда студентларнинг мустақил иши, лаборатория дарслари ва имтиҳон натижаларидан олган баҳолари жамланиб, студент билимини баҳолаш тавсия қилинди.

Профессор Уткир Мусаевда Аллоҳ томонидан ҳадя этилган ажойиб фазилатлардан бири, унинг энг аввало ўзига, сўнгра бошқаларга нисбатан ўта талабчанлигидир. Айрим ҳолларда бу талабчанлик баъзи кишиларга ғалати туюлади, чунки топширилган ҳар бир вазифанинг бажарилишини доимий назорат қилиш қўлга киритилган ютуқларнинг асосий омилларидан бири бўлса ажаб эмас. Мана, 17 йилдирки, Уткир ака бошқараётган полимерлар кимёси кафедраси Республикамиз олий ўқув юртларидаги энг забардаст кафедралардан бири десак янглишмаймиз. Сўнгги йилларда бу кафедрада домла билан ёнма-ён унинг тўрт шогирди кимё фанлари докторлари, профессорлар фаол меҳнат қилмоқдалар.

Ҳам устоз, ҳам иқтидорли олим Уткир Мусаев Узбекистонда ёш авлодни тарбиялаш билан бирга полимерлар кимёси фанининг ривожига муносиб ҳиссасини қўшиб келяпти. У Узбекистонда биринчи бўлиб тиббиётда ишлатиладиган полимерлар кимёси фани йўналишига асос солди. Бугунги кунда атоқли олим 400 дан ортиқ илмий мақола, 60 дан ортиқ муаллифлик гувоҳномаси ва 2 монография соҳибидир. Унинг раҳбарлигида 30 дан ортиқ фан номзодлари ва 4 фан доктори тайёрланди.

Биз камтарин устоз, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор Уткир Мусаевни чин дилдан кўп сонли шогирдлари ва ҳамкасблари номидан қутлуг 60 ёши билан табриклаймиз.

Шавкат ҚУРБОНОВ,
Туйғун БОБОЕВ,
кимё фанлари докторлари, профессорлар.

(Боши 1-бетда)

чи якшанбаси ҳалқ таълими ходимлари куни сифатида байрам қилинар эди. Юртбошимиз фармонига биноан 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни деб белгиланди ва дам олиш куни деб эълон қилинди. Энди бу кун Узбекистоннинг умумхалқ байрамига айланади. Фармоннинг мазкур банди ҳам РТМ жамоаси зиммасига катта вазифаларни юклайди.

Маънавият инсонга она сути, аждоду устозлар ўгити билан бирга кириб боради ва сингади. Бу хил ҳикматни тўғри англаган бизнинг бўлим ходимлари маънавий баркамол инсонни тарбиялашга қаратилган кўпгина ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, Мустақиллик даврининг дастлабки кунларидан бошлаб ва истиқлол мафкураси», «Навруз ва маънавий тарбия» сингари методик тавсиялар ҳам нашр этилди.

Юрбошимиз И. А. Каримовнинг яқинда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида сузлаган маърузасидан илҳомланиб ўзимиз учун махсус тадбир ишлаб чиқдик. Мазкур тадбирга биноан «Баҳоуддин Нақшбанд — комил инсон таълимоти асосчиси», «А. Яссавий ўгитлари биз учун ўрнак», «Кайковус таълимотидан тарбиявий соатда фойдаланиш методлари», «Миллий ва тарихий қаҳрамонлар, буюк алломалар ва улар ҳақида синфлан ташқари ўқиш учун тавсия этиладиган адабиётлар руйхати» каби методик адабиётларни яратишни режалаштириб олдик.

Яхши ният билан амалга ошираётган камтарона хизматларимиз Мустақил, келажаги буюк давлатнинг ҳақиқий эгалари бўлмиш жисмонан етук, маънавий баркамол инсонларни тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади, — деди ўз сўзи якунида РТМ директори.

Йиғилишда сўзга чиққан РТМ ўзбек тили ва адабиёти бўлимининг бошлиғи М. Абдураимова, тарих ва ижтимоий фанлар бўлими бошлиғининг муовини М. Урмонов, мактабдан ташқари таълим-тарбия бўлими мудири М. Туропова, ўқитувчилар билан ишлаш бўлимининг етакчи мутахассиси С. Рисқиевлар ҳам ҳукуматимизга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Карим НОРМАТОВ,
Республика Таълим маркази директори муовини.

Расмий бўлим

1996-1997 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎРТА УМУМИЙ ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯСИ»НИНГ ЎҚИТИЛИШИ

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг шу йил 29 апрелдаги буйруғига асосан 9-синфда «Иқтисодий билим асослари» фанининг жорий этилиши муносабати билан «Узбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси» фанини ўқитиш ҳафтасига 1 соатга қисқартирилди.

Маълумки, 9-синфда география ўқитишда З. Акромов, И. Мусаевлар ёзган «Узбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси» дарслигидан фойдаланилади. Бунда 1994 йилда чоп этилган «Тўққиз йиллик таянч мактабларининг 5—9-синфлари учун географиядан дастур»да кўрсатилган соатларни 1 соатга қисқартириб ўқитилади. Бу курсни ўқитиш давомида умумий иқтисодий географик тушунчаларни мавзуларнинг мазмунига сингдириб бориш тавсия этилади.

Ҳозирги кунда Узбекистон Республикасининг иқтисодий ҳаётида кўплаб ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. 9-синфда 34 соат давомида ўқитиладиган географ дарсларига бу ўзгаришларни ўрганиб, таҳлил қилиб беришга вақт камлик қилади. Шу муносабат билан мактаб ихтиёридаги соатларнинг география фанига берилиши тавсия этилади.

«Узбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий географияси»ни 34 соатга мўлжалланган тахминий режасини қуйидагича тақсимлаш тавсия этилади:

Кириш — 3 соат.

Узбекистон табиий шароити ва табиий бойликларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти — 2 соат.

Узбекистон аҳолиси ва иш кучлари — 3 соат.

Халқ хўжалигининг умумий таърифи — 2 соат.

Халқ хўжалигининг тузилиши — 9 соат.

Узбекистон халқ хўжалигининг ҳудудий ташкил этилиши ва иқтисодий районлаштириш — 15.

Республика Таълим маркази химия-биология ва география бўлими.

МАСЪУЛИЯТ ОШДИ

Республикамиз мактабларида «Дин тарихи», «Иқтисод сабоқлари», «Ҳуқуқ асослари», «Саломатлик» дарслари қаторида, халқ педагогикаси, аждодлар ўгитларига асосланган «Одобнома» дарслари ўқитила бошланди. Бўлим ходимлари олимлар билан ҳамкорликда «Одобнома» курси учун «Одоб сабоқлари» (1—4-синф), «Одобнома» (5—9-синф), «Ҳаёт ва турмуш одоби» (10—11-синф) каби ўзига хос дастурлар яратдилар. Шу кунгача 5,6,7,9-синфлар учун «Одобнома» ўқув қўлланмалари яратилиб, чоп этилди.

Шунингдек, Навруз байрамининг улкан тарбия воситаси сифатида миллий ва умуминсоний қадрият, урф-одат, анъаналар асосидан маънавий тарбияни шакллантиришдаги бебаҳо аҳамияти ва таъсир кучини ифода этувчи «Навруз — тарбия воситаси», «Иймонни уйғотар Навруз!», «Навруз

Республика Таълим маркази директори муовини.

«ИНГЛИЗ ТИЛИНИ СЕВАМАН!»

Хорижий тилларни ўрганамиз

—Мен боғча ёшидаги болажонларимиз мактабга инглиз тилидан озми-кўпми хабардор бўлиб боришларини истайман. Ўзим инглиз тили мутахассисиман. Қўлимдан келганча болажонларга бу тилни сўзлашишни ўргатаётирман. Бу тилни, аввало, ўзим севаман!

Бу — Дилбар Ғуломованинг фикри. У Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 586-болалар боғчаси мудираси. Айни пайтда жаҳон тиллари университетининг аспиранти. Илмий ишининг мавзуси: «Мактабгача ёшдаги болаларда хорижий тилларга қизиқишни шакллантириш».

Дилбар Ғуломова инглиз тилини «сув» қилиб ичиб юборганлардан, десак муболаға бўлмас. Унинг хонасида бу гўзал тилни ўрганишга доир қўлланмалар шу қадар кўпки, кўриб бир зум шошиб қоласиз.

Яхшиси, мақтовни бир четга сурайлик-да, сўзни унинг ўзига берайлик. Боғчада инглиз тилини ўрганиш машғулотларини қай тарика олиб бориши хусусида у қуйидагича ҳикоя қилиб берди.

— Ҳозирда инглиз тилига қизиқиш кучайиб кетди. Ота-оналар бу тилни ўз фарзандлари ҳали мактаб партасига ўтирмаёқ ўрганишни бошлашларини исташади, орзу қилишади. Орзуга айб йўқ. Улар билишадики, чет тилини билган киши асло қам бўлмайди!

Мен тадқиқ этаётган илмий ишим хорижий тилларни ўрганиш ва татбиқ этишга бағишланган учун уни кундалик меҳнат фаолиятимга узвий боғладим.

Боғча ёшида боланинг мияси тез қабул қилувчан, илғовчан бўлади. Зеро, бу пайтда тил ўрганиш ҳам осон кўчади. Ана шуни ҳисобга олган ҳолда, ҳафтанинг тўрт куни мобайнида, яъни душанба, сешанба, чоршанба ва пайшанба кунлари ҳар бир гуруҳдан мойиллигига қараб танланган болалар билан инглиз тилини ўрганиш машғулотлари ўтказаман. Жами 90 га яқин тарбияланувчи ана шу машғулот тингловчиларидир. 4 қисмдан иборат дастур ишлаб чиққанман. Биринчи қисмда «Ўйинчоқлар» ҳақида тушунча берилади. Иккинчи қисм «Қиш фасли» деб номланади. Учинчисида «Баҳор» фасли, унинг гўзалликлари ҳақида турли қўлланмалардан фойдаланиб, болаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантираман. Сўнгги қисм эса «Кўча ҳаракати қоидалари ва транспорт воситалари»га доир. Бу дастурларнинг ҳар бири 16 та машғулотга асосланган бўлиб, бошланишидан охиригача мукаммал ўрганиб, тинглаб борса, бола инглиз тилини яхшигина ўзлаштириб олади.

«Пропись английский язык», «Английский с удовольствием: звуки и буквы», «Занимательны алфавит», «Английский в рифмах» қўлланмалари шунингдек, Англиядан жўнатилиб, «Тинчлик корпуси» томонидан ҳадя қилинган 60 та суратли, қизиқарли, фантастикага бой китоблар ҳам болажонларимиз учун мўлжалланган. Ана шу китобларни кўздан кечириб чиқарканман, ҳали дастуримни анча кенгайтиришим керак экан, деган хулосаға келдим. Болаларнинг ёши, лаёқатига қараб дастурларга ўзгартириш киритиш ниятидаман.

Бу йил мактабга кузатилган тарбияланувчиларимизнинг 80 нафари инглизча унча-мунча сўзлаша олиш қобилиятига эга бўлдилар. Тил ўрганишга ишқибоз жажжилар учун 12 та лингафон аппарати ишлаб турибди.

Қисқаси, инглиз тилига қизиқишни боланинг кичик ёшидан шакллантириш, ривожлантириш имкониятларини изласак, бу барчамизга муваффақият келтирарди.

Дилбар Ғуломова тавсия этган «Английский в рифмах» китобчаси инглизча-русча сўз ўйинларининг йиғиндисидир. Қўйилмақом томони шундаки, русчага маъно жиҳатидан мос инглизча сўзлар қофия сифатида топилган. Худди шундай таржима-намуналарни инглизча-ўзбекчада ҳам ҳосил қилиш мумкинми? Албатта, мумкин! Ўқув ва маҳорат бўлса бас-да, шундайми?

Таржималар боғча мудиралари, бошланғич синфда инглиз тили ўргатиш билан шуғулланадиган мураббийлар ҳукмига ҳавола этилади.

***

Инглизчани урган тез,
нонушта бу — breakfast
(брэкфэст).

***

Укангни чақир, қани,
(Dinner (динэ) — тушлик
дегани.

***

Ўйлаб жавоб берсанг бас,
Стакан нима? — glass (глас).

***

Хўппа семиз гулдор чойнак

Касаба уюшмалари ҳаёти

ВАЗИФАЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛЯПТИ?

Яқинда Тошкент архитектура қурилиш институти мажлислар залида Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитасининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур Қўмита раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдуғаниев кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда Сирдарё вилояти касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Қ. Эшназаров, «Илмий ходимларни, талаба ва ўқувчиларни пахта йиғим теримига жалб қилиш даврида уларга етарли шарт-шароитлар яратиб бериш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш вилоят касаба уюшма қўмиталарининг олиб бораётган тайёргарлик ишлари», Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Убайдулла Усмонов «Олий таълим тизимига қарашли ўқув юртлари талабалар ётоқхоналари дам олиш зоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимлар ва талабалар учун ошхоналар шохобчаларини кенгайтириш, уларда тайёрланаётган овқатлар нархини пасайтириш бўйича олиб борилаётган ишлар», Навоий вилояти касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ҳ. Фахриддинов «Халқ таълими муассасаларида меҳнат дафтарчаларини юргизиш, расмийлаштириш, уларни сақлаш ва бу борада касаба уюшмаси қўмиталари томонидан олиб борилаётган назоратнинг аҳволи», Марказий қўмита бош мутахассиси А. Абдувоҳидов «Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси ва республика тармоқ касаба уюшмаси ташкилоти бюджетининг 1996 йил 1 ярим йиллигини бажарилиш якунлари» тўғрисида маъруза қилдилар.

Шунингдек, раёсат йиғилишида Ўзбекистон халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо СУЛТОНОВ қатнашди ва маъруза қилди. У Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари қошидаги санаторий-профилакторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида вазирликнинг олиб бораётган ишлари тўғрисида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Сўнгги йилларда вилоятлардаги ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари қошидаги санаторий-профилакторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Наманган вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида 100 ўринли профилакторий ишлаб турибди. Бу йил 200 минг сум пул сарфланиб, бинода жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар етарли. Шу ерлик бош шифокор ташаббуси билан шу йилдан эътиборан иглотерапия ҳам ишлай бошлади.

Тошкент шаҳридаги Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида 130 ўринли профилакторий фаолият кўрсатмоқда. Бу ерда 1 сентябргача бўлган даврда 4 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Барча профилакторийларда қилинган жиҳозий ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳам талайгина. Чунончи, Самарқанд вилояти институтида 2,1 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилгани ҳолда, атиги 500 минг сўмлик маблағ ажратилган, холос. Жиззахда эса 6 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилган.

Раёсат йиғилиши сўнгида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиниб, аниқ режалар белгиланди. Йиғилишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Озода Муҳиддинова қатнашди ва нутқ сўзлади.

У. ЖУМАЕВ.

«Анаулани қайанг, ясимга оляпти...»

Олий ўқув юртларида

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ТАЛАБА

Биз ислоҳотларга бой бўлган шиддаткор бир даврда яшаяпмиз. Бу давр мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон елкасига залворли масъулият юклаб, жойлардаги раҳбар ходимлардан демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни тақозо этади.

А. Р. Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида ўтказилган «Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман олий ўқув юрти жамоаси учун шу йўлда қўйилган дастлабки қадамлардан бири бўлди.

Даставвал университет ректори академик Т. Миркомиловнинг «Мустақиллик қўзғусида ўрта ва олий таълим» мавзусидаги маърузаси тингланди. Сўнг профессор Б. Сиддиқов Президентимиз И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессиясида сўзлаган нутқи доирасида «Истиқлолимиз уфқлари», доцент Р. Эргашева «Бугунги кун ёшларининг маънавий-ахлоқий камолоти», доцент Р. Сеитова «Демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда давлат ва ҳуқуқнинг роли» мавзуларидаги маърузалари тингланди.

Анжуманда бу йил ўқишга қабул қилинган қарийб мингта яқин талаба қасамёд қилишди. Уларга университет раҳбарияти республикамиз ҳақида энг муҳим маълумотлар тўпланиб нашрдан чиқарилган янги анъанавий китобни тақдим этишди.

Кеча сўнгида талабаларга таниқли хонандалар ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

Н. ОЧИЛОВ,
«Маърифат» мухбири.

Хуллас...

ҒАРОЙИБОТНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Агар «Гиннеснинг рекордлар китоби»ни бир-бир варақласангиз, бунга амин бўласиз. Мана, яна битта даъвогар: австралиялик Кол Стивенс. У оғзининг антиқалиги билан ҳаммани лол қолдириш ва юқоридаги китобга кириш ниятидан сархуш бўлиб юрибди. Ҳозирча «Рекордлар китоби» тузувчилари расман бирор қарорга келишмаган бўлса-да, Стивенс умуман тушкунликка тушган эмас. У машқларни бирлаҳза ҳам тўхтатгани йўқ. Масалан, бирваракай олтита қайнатилган тухумни кўндалангига оғзига тиқиши мумкин. Ёки унинг чақалоқнинг калласидай келувчи мушти ҳам оғзига бемалол кириб-чиқиши мумкин.

МАНСАБНИНГ ЖИНСИ

Бангладешда мансабдор аёлларга худди эркаклардаги каби «сэр» дея мурожаат қилиш урфга кирмоқда. Кўпчиликни ҳайратга солган бу ҳолатга катта мансаб эгаси бўлмиш Ҳасина Вазид ойдинлик киритди. Унинг айтишича, одатда амалдорга мурожаат қилинганда, энг аввало, амал назарда тутилади. Мансаб эса эркак жинсидадир. Шу боис, мансабдорга, хоҳ у эркак бўлсин, хоҳ аёл, «сэр» дея мурожаат этиш мантиққа тўғри келади.

ҚЎЛТИҚТАЁҚДА ЎҒРИЛИК

Одатда ўғрилар чақ-қон, барзанги бўлишарди. Ирландияда яқинда содир бўлган ҳодиса бу ақидани чиппакка чиқарди. Дублин шаҳрида яшовчи Б. Донели бир кеча-кундузда 5 та дўконни шиппшийдон қилди. Яна қандай қилиб денг, қўлтиқтаёқда юриб. Ҳар бир дўконга кириб, тўппонча билан дўқ қилиб, халтасига пулни солдиртираверган.

ИРСИЯТГА САВОЛ

Лондонда Митчелли Гамильтон деган хоним фарзанд кўрди. Хуш, нима бўпти демоқчи бўляпсизми? Майли. Унинг фарзандлари эгизак эди. Яна, нима бўпти, демоқчисиз-да? Жаҳлингиз чиқмасин. Бу ёғини эшитинг. Чақалоқлардан бири оппоққина, иккинчиси эса қўмирдай қоп-қора. Уларнинг отаси эса — ҳабаш. Ҳайратландингизми? Яшанг. Биз ҳам бунинг сабабини тушунтирмоқни билмаганларга ҳавола қилдик-да, сўзни мухтасар айладик.

ана шунақа гаплар.

САЛОМАТ БЎЛИНГ, БОЛАЛАР!

Бизнинг халқимиз нақадар болажон, қанчалар ориятли. Ахир, бу ҳаммамизга ҳам ота мерос. Негаки, ҳар бир бола, айниқса, ўзбек боласи туғилганданоқ ота-она меҳрини, тафтини, панду насиҳатини қалбида туяди. Улар бизни қайси даврда бўлмасин, одоб-ахлоққа, покликка, одамийликка, меҳру оқибатга ўргатишади. Ҳатто дастурхон устида ҳам бизларга, ҳа, ҳа, фақат фарзандларга Яратгандан, энг аввало тани сиҳатлик тилашади, илтижо этишади...

Аммо қанча уринмайлик, ҳар бир даврнинг, бир сўз билан айтганда, ўзига хос чиркинликлариям бўлар экан-да!... Биз «чиркинлик» деб алоҳида урғу билан айтаётган нарса эса, бу — СПИД.

Йўқ, йўқ. Бу касалликни даврга ағдара кўрманг! Чунки бу вабонинг асосчилари биринчи навбатда ўзимиз. Ҳа, ҳа. Шу пайтгача фақат ўзимиз бепарво, лоқайд эканмиз.

Минг шукрки, бугунги кунга келиб ана шу касалликни орамиздан бутунлай даф қилиш мақсадида республика миқёсида қатор тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Етук мутахассис, врач, умуман, соғлиқни сақлашга масъул ҳисобланган ҳар бир шахс бу соҳада жон қуйдирмоқда, тер тўкмоқда. Ахир, ўзини бундай «офат»нинг орасида қолиб кетаётгандек ҳис қилган инсон қандай нафас ютиб бир жойда ўтира оларди, дейсиз?!

А. Авлоний номидагин Республика Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ташкил этилган икки кунлик семинар ҳам айнан шу мавзуга бағишланди. Семинарга республиканинг барча вилоятларидаги мактабалардан ўқитувчилар жалб этилди. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, мазкур тадбир республика соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг қўшма буйруғига асосан ташкил этилди. Семинар иштирокчиларининг асосий диққат-эътиборида СПИД ва бошқа жинсий алоқа йўли билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини, айниқса, ўқувчилар орасида амалга ошириш масаласи турди.

Бунинг яна бир эътиборга молик томони шундаки, мазкур тадбир БМТнинг махсус режасига асосан ишлаб чиқилиб, кетадиган барча ҳаражатлар ана шу нуфузли ташкилот зиммасидадир. Семинар қатнашчиларига тадбирдан сўнг бу халқаро масалани ижобий ҳал этишда узларининг алоҳида фаолиятларини йўлга қўйиб олишлари учун керакли қўлланмалар тарқатилди. Бундан ташқари, улар икки кун давомида 3 гуруҳга бўлинган ҳолда маърузалар тинглашди, мунозаралар уюштирдилар.

Семинарда Республика соғлиқни сақлаш вазири муовини Б. Ниёзматов, Республика халқ таълими вазири ўринбосари М. Султонов, БМТ тематик гуруҳи раҳбари Т. Хетланд, СПИДга қарши кураш дастурининг Марказий Осиё республикалари бўйича БМТ маслаҳатчиси Р. Адамянлар иштирок этишиб, йиғилганлар билан бу тўғридаги ўз фикр-мулоҳазаларини баҳонидил ўртоқлашишди.

Олимжон ҲАЙИТ.

Рақамлар сеҳри

Саккизнинг саккиз сири

Денгиз саргузаштлари ҳақидаги фильмларни томоша қилганда саккиз оёқли даҳшатли денгиз жонивор-ларининг ваҳимали ҳаракатлари тасвирланган лавҳаларни кўп кўргансиз. Тасодифни қарангки, узоқ Шарқда яшовчи эвенклар орасида кўп йиллар истиқомат қилган машҳур ўлканшунос Н. Алексеев халқ оғзаки ижодиётининг зукко ижрочилари даврасида бўлганида, саккиз оёқли ғалати мавжудодлар тўғрисидаги афсона ва ривоятларни ҳам ёзиб олган эди. Эвенклар эътиқодига кўра, тайга сафаридан қайтган овчи тусатдан касалга чалиниб қолса, хасталик сабабини саккиз оёқли хосиятсиз рухлар хуружидан деб ўйлаганлар. Албатта, «саккиз оёқли руҳлар» ҳақидаги эвенк халқ афсоналарининг яратилишига ноёб денгиз жонзоти тўғрисидаги қараш-лар сабаб бўлган эмас. Чунки қадим замонлардан бери дунёнинг турли бурчакларида яшовчи халқлар фолклорида ва удумларида «саккиз» рақамига алоҳида аҳамият бериш анъанаси бўлган экан...

Жанубий-ғарбий Фарангистондаги тош асрига мансуб Ласко ғорининг деворига чизилган суратлардан бирида югуриб бораётган отлар тасвири бор. Отларнинг танаси ҳам турли чизиқлар билан «безатилган». Чунончи, отларнинг бирига саккизта уқ тегаётгани тасвирланган экан. Ҳатто мутахассислар ҳам аввалига буни тасодифга йўйдилар. Аммо кейинги тадқиқотлар натижасида учқур от танасига саккизта камон уқи тасвири туширган ғор одами қандайдир ибтидоий эътиқодларга ишора қилаётганлиги маълум бўлиб қолди. Ласко ғоридан анча-мунча олисда — Марказий Осиёда яшовчи мўғулларнинг қадимий дафн маросимлардаги бир удум нимқоронги фаранг ғорида ҳафсала билан расм солаётган қадимги давр «беҳзоди»нинг ижодини яхшироқ тушунишга ёрдам берди. Маълум бўлишича, қадимги анъаналарга кўра, қаҳрамон жангчи вафот этса, уни дафн қилаётган пайтда бошининг остига отининг эгарини, ўнг ёнбошига эса саккиз дона камон ўқини қўйиб кўмишаркан. Мўғуллар жуда қадим замонлардан бери жуфт сонларни, айниқса, саккизни муқаддас билиб, сиғинишгани маълум.

Энди бошқа бир мамлакатга назар ташлайлик. Милоддан аввалги учинчи минг йилликка мансуб Миср эҳромларининг бирида олиб борилган археологик қазилмалар чоғида топилган ёдгорликка миҳхат усулида битилган афсонада айтилишича, жуда қадим замонларда «ёнувчи орол»да лотос гули униб чиққан эмиш. Аста-секин бўй чўзган лотос гули кунлардан бири куни бир дона ғунча тугибди. Ўша ғунча очилиб, гулбарглар орасидан аввал қуёш билан ой, сўнгра саккизта юлдуз чиқиб, осмонга кўтарилиб кетишган эмиш.

Агар ўзбек халқ қўшиқларига қулоқ тутсангиз, мўътабар онахонларимизнинг қуйидаги ёр-ёрларига мафтун бўлиб қоласиз:

Осмондаги юлдузни,
Саккиз денглар, ёр-ёр,
Саккиз қизнинг сардори,
Келди денглар, ёр-ёр.

Ғалати ўхшашлик... Тўғри эмасми? Буни қарангки, қадимги мисрликлар қўли билан бунёд этилган гўзал обидалардан бири бўлмиш Ой маъбудаси Татуга бағишланган муқаддас қаср олдида ҳам саккизта ҳайкал қад кўтариб турган экан...

Мисрликлар саккиз худо ва саккиз йиллик муддат удумларига жуда қаттиқ риоя қилишган.

Халқимизнинг қадимий удумларига кўра, жаннат саккизта, дўзах эса еттита дейилади. Ҳатто Амир Хусрав Деҳлавий қаламига мансуб «Ҳамса»нинг бешинчи достони «Ҳашт беҳишт», яъни «Саккиз жаннат» ҳам еттита асосий ҳикоя ва Баҳром ҳақидаги қиссадан, демак саккиз қисмдан иборат. Бинобарин оламни муайян саккизларга бўлиш анъанаси қадимги зардуштийлик таълимотига ҳам ўз таъсирини ўтказган экан. Оташпарастлар ер юзи ўн олти, яъни иккита саккиз қисмдан иборат деб ўйлаганлар. Қизиғи шундаки, бурят халқининг анъанавий қарашига кўра саккизта совуқ ва саккизта иссиқ дўзах бор эмиш. Демак, жаннат ва дўзах сонини саккиз рақам билан ифодалаш анъанаси узоқ ўтмишдаги заминдошларимиз дунёқарашидан қолган ёдгорлик экан.

Будда коҳинлари «ҳақ»қа эришиш йўли босқичдан иборат деб ўйлашган. Бу динга эътиқод қилувчилар ҳар ойнинг саккизинчи кунини энг бахтли кун деб ҳисоблаб, диний маросим ва удумларини, муҳим оилавий тадбирларини ўша куни ўтказишга ҳаракат қиладилар.

Янги йилнинг саккизинчи кунини хитойликлар «Юлдузлар куни» деб алоҳида байрам қиладилар. Агар шу куни ҳаво очиқ бўлса, бу йил ҳосил мўл бўлади деб ирим қиладилар. Цзянси вилоятида эса биринчи ойнинг саккизинчи куни гуруч уни ва саккиз хил сабзавотдан махсус гўжа пиширилади. Бу таом «Саккиз жавоҳирлар гўжаси» деб аталади. Манжурияда истиқомат қилувчи хитойлар орасида «еттидан кетма, саккиздан қайтма» деган мақол бор. Бунинг маъноси шуки, янги йилнинг дастлабки саккиз куни давомида аёлларга ота-оналарини бориб кўриб келиш таъқиқланади. Шуниси қизиқки, хитойликлар янги йилнинг биринчи ойи саккизинчи кунини эмас, охирги ойнинг саккизинчи куни ҳам тантана қилишаркан. Буни янги йил олди байрамида саккиз хил дондан (писта, бодом, ёнғоқ, ловия, тарвуз уруғи, нўхат каби) «Саккизинчи кун гўжаси» пиширилади.

Хитойда тўртинчи ойнинг саккизинчи куни Будданинг покланиш байрамини ўтказадилар. Бу тантананинг келиб чиқиши ҳақида шундай ривоят сақланиб қолган: Ян исмли баҳодир душман қўлига асир тушиб қолибди. Уни зиндонбанд этибдилар. Яннинг вафодор синглиси зиндонбонларнинг кўзини шамғалат қилиб, бир сават гуручни акасига беради. Саватдаги гуруч тагида эса акасининг қиличи яшириб қўйилган экан. Ян ўша қилич билан банддан холос бўлибди. Айтишларича, бу воқеа тўртинчи ойнинг саккизинчи кунида рўй берган эмиш. Хитойликлар қадим замонлардан бери Ян қутулган кунни махсус байрам қилишга одатланганлар.

«Саккиз» рақамининг маросимларда муайян вақт ифодаси сифатида анъанавийлашганлиги қадим замонлар Оврупо мамлакатларида пайдо бўлган узига хос вақт ҳисобини ёдга туширади.

Қадимги дунё тарихининг зукко билимдони Эрих Царенинг ёзишича Зуҳро юлдузининг айланиш муддати ўртача 584 кунга тўғри келар экан. Бунда саккиз ой зуҳро юлдузи қош қорайганда, яъни оқшом чоғида жамолини бир кўрсатиб, сўнгра ғойиб бўлса, 14 кунлик танаффусдан сўнг саккиз ой давомида «тонг юлдузи»га айланаркан. Бу ҳодиса айнан бир хил тартибда доимий равишда такрорланиб тураркан. Демак, Зуҳро юлдузининг осмон денгизида айланиш вақти ва ўн тўрт кунлик «бекиниш»ларини (қуёшга юқори ва қўйи томонидан пана бўлиши) ҳисобга олинганда, саккиз ойлик доимий муддат такрорланаверади.

Қадимги мунажжимлар «тонг юлдузи»нинг ҳаракатини узоқ вақт давомида ўрганиб, ғалати бир қонуниятни кашф этишган: Зуҳро юлдузи ҳар саккиз йилда фалакнинг маълум бир нуқтасида пайдо бўлар экан! Агар дейлик бир куни тонг юлдузи қуёш нурларининг муайян йўналишида чиққан бўлса, орадан саккиз йил ўтгач, яна айнан ўша нуқтада пайдо бўлар экан! Эрих Церен айрим ёдгорликларда Зуҳро юлдузи саккиз нурли маъбуда сифатида ифодаланишининг сабабини ана шунда деб билади.

Икки даре оралиғидаги қадимий маданият учоқларидан бири — Бобилда яшаган хетт қабилаларида ҳар саккиз йилдан сўнг янги тангри тахтга ўтириши тантана қилинган экан. Бир замонлар Америка китъасида юксак маданий обидалар яратган ацтеклар ҳар саккиз йилда нон ва сув маросимини ўтказишганлиги маълум. Бу маросим иштироқчилари муқаддас майдонда қабила кохинлари ижро этган илон рақсини томоша қилишган.

Хуллас, айрим мамлакатларда давлат ишларини бошқаришда, умуман, кўпгина тантаналарни ўтказишда ҳам «саккиз» рақамидан фойдаланилган экан. Бирмада ҳукуматни саккиз давлат арбоби (тўрт вазир ва тўрт саркотиб) идора қилар экан. Ҳатто тахт ворисига тож кийдириш, шаҳзодаларнинг туғилишини байрам қилиш каби анъаналарда ҳам саккизта сарой брахмани (коҳини) иштирок этиши шарт бўлган. Бирманинг собиқ пойтахти Мандалаядаги шоҳ саройида саккизта тахт қўйилганлиги маълум.

Шуниси ажабланарлики, қадимги дунё математиклари, айниқса, Пифагор тарафдорлари саккиз рақамини жаҳолат ифодаси, ҳатто улим рамзи деб ҳисоблашган экан. Қадимги ҳисобдонлар «саккиз» рақами иштирокида бир қатор кўпайтирув амалларини бажараётиб, ғалати бир «қонуният»га дуч келиб қолишган: Маълум бўлишича, бирдан ўнгача бўлган сонларни саккизга кўпайтирганда ҳосил бўлган натижалардаги рақамларнинг йиғиндиси ғоят ажойиб муносибликни юзага келтирар экан:

1x8=8
2x8=16=1+6=7
3x8=24=2+4=6
4x8=32=3+2=5
5x8=40=4+0=4
6x8=48=4+8=12=1+2=3
7x8=56=5+6=11=1+1=2
8x8=64=6+4=10=1+0=1

Демак, саккизни бирдан саккизгача бўлган сонларга кўпайтирилганда олинган натижаларнинг рақамлари ўзаро қўшиб чиқилганда ҳосила тобора камайиб бораверар-каркан. 9x8 да бу «қонуният» бузилади, яъни натижа 72 ёки 7+2=9га тенг. Бундан кейинги сонларни саккизга кўпайтириб бораверса, яна аввалгидек «камаювчи» ҳосилалар олинаверади. Масалан: 10x8=80 ёки 8+0=8; Муайян тартибда давом этувчи бу ғаройиб ҳодисанинг сирини тополмаган қадимги олимлар 8 сонини ҳосиятсизлик аломати деб ўйлаб, уни «ёмон отлиқ»қа чиқариб қўйишган.

Аждодларимизнинг саккиз рақами тўғрисидаги қадимий тасаввурлари ҳилма-хил бўлиб, биз ҳикоя қилган ҳодисалар уммондан бир томчи, холос. Очиғини айтганда, «саккизнинг саккиз сири» «тўққизнинг тўққиз мўжизаси» олдида оддий бир ҳодиса...

Маматқул ЖЎРАЕВ.

Футбол

НАМАНГАНДА СПОРТ ҲАФТАЛИГИ

Кейинги йилларда ҳукуматимиз жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида қарор қабул қилинди. «Соғлом авлод» дастури ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам спортнинг бу турига катта эътибордан далолатдир. Шу боис бу йил чарм тўп ишқибозлари учун омадли келди, десак, янглишмаймиз.

Ўтган ҳафтада Наманган вилоятида футбол ҳафталиги ўтказилиши ҳам ана шу омад тимсолидир. Бунда ҳар бир мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларида, ширкат ва жамоа хўжаликларида, шаҳар ва қишлоқларда футбол мусобақалари бўлиб ўтди. Унда вилоят аҳолисининг етти яшаридан етмиш яшаригача ҳамма баравар қатнашди.

Бу катта тадбирни ўтказишда вилоят ҳокимияти, спорт қўмитаси ва футбол федерациялари муносиб ҳисса қўшишди.

Ҳафталик дастурида Чустда республикада биринчи марта маҳалла хайрия жамғармаси соврини учун 13-14 ёшли ўсмирлар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Бунда Чуст шаҳри маҳалла болалари биринчи, жиззахлик болалар иккинчи, Хоразм вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Бир нарсани унутмаслик керакки, футболнинг ўчоғи ҳам ана шу маҳалла. Машҳур футболчиларимиз М.Шарипов, А. Азизхўжаев, Б. Абдураимов ҳам ана шу маҳалла командаларидан етишиб чиққан эдилар.

«ПАХТАКОР-79» ХОТИРА ТУРНИРИ

Яна бир катта мусобақа Уйчида бўлиб ўтди. «Пахтакор-79» хотирасига бағишлаб 1990 йилдан буён ўтказиб келинаётган бу турнирда биринчи йил «Барнаул» футбол клуби ғолиб бўлган бўлса, кейинги уч йилда «Пахтакор» футбол мактаби, кейинги икки йилда республика Олимпия билим юрти талабалари пешқадамлик қилишган эди. Бу йилги хотира турнири ўзига хос катта қизиқиш билан ўтди. Биринчи ўрин Тошкентнинг «Ватанпарвар» жамоасига, иккинчи ўрин Зарафшоннинг «Прогресс» клубига, учинчи ўрин эса Уйчининг «Хотира-79» жамоасига насиб этди.

Футбол ҳафталигида 6 вилоятдан жамоалар ташриф буюришди. Улар орасида футбол ниҳоятда гуркираб ривожланган Наманган вилояти футбол жамоаси биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Улуғбек АҲРОРОВ.

ПОЙТАХТ ЎЙИНГОҲЛАРИ ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда футболни кенг оммалаштириш мақсадида турли миқёсдаги мусобақалар ўтказиб келинаётир. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ўтган йил ноябрь ойида чиқарган буйруғига кўра 1996 йилда ўқувчилар ўртасида футбол бўйича оммавий биринчилик ўтказиш тўғрисида Низом ишлаб чиқилиб, мусобақаларга тайёргарлик ва уни амалга ошириш йўл-йўриқлари белгилаб олинган эди. Биз Вазирлик жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиги Раҳматулла САЛОМОВдан ушбу учрашувларни ўтказишга ҳозирлик тўғрисида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Вазирлигимиз томонидан умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари ўртасида тўрт босқичдан иборат футбол мусобақаларини ўтказиш ҳақида тадбир белгиланганидан кейин кўп вақт ўтмай Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда футболни ривожлантиришнинг зарур моддий базаларини яратиш — барча мактабларда уйингоҳлар, спорт майдончалари бўлишига эришиш, уларни жиҳозлаш, тренер-ўқитувчилар тайёрлаш каби вазифалар халқ таълими вазирлиги зиммасига ҳам юкланганлиги ёдингизда бўлса керак.

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги мазкур қарори асосида ҳар бир вилоятда футбол мактаб-интернатлари ташкил этиш юзасидан ҳокимликлар билан ҳамкорликда кизғин ишлар олиб борилди. Натижада Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида футбол мактаб-интернатлари очилишига эришилди. Баъзи вилоятларда мактаб-интернатларни ташкил этиш, кадрлар масаласини ҳал этишдаги қийинчиликларга қарамай ҳукумат қарори бажарилди.

Вилоятларда ёш футболчиларнинг учрашувлари ўтказилиб, республика пойтахтида ўтказиладиган финал мусобақаларда қатнашувчи командалар шай қилиб қўйилди. Айни кунларда улар ҳал қилувчи беллашувларга ҳозирлик кўришмоқда.

Футбол учрашувлари ҳамиша минг-минглаб томошабинлар учун ҳам, спортчилар учун ҳам оммавий байрам саналади. Республика Халқ таълими вазирлиги қошидаги мувофиқлаштирувчи кенгаш финал мусобақаларини тартибли ва уюшқоқлик билан, байрамона ўтказиш учун зарур тадбирларни белгилади. Мусобақаларга раҳбарлик қилувчи «Меҳнат резервлари» кунгилли спорт жамияти марказий кенгаши ҳамда ҳакамлар ҳайъати, спорт-техника комиссияси зиммасига учрашувларни уюшқоқлик билан амалга ошириш масъулияти юклатилган.

Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 1980-1981 йилларда туғилган ўқувчилар ўртасида ўтказиладиган футбол мусобақалари 30 сентябрдан 9 октябргача давом этади. Пойтахтимизнинг спорт ишқибозлари ва мактаб ўқувчилари 10 кун мобайнида «Динамо» ҳамда Тошкент олий умумқўшин командирлар билим юрти уйингоҳларида қизғин курашларнинг гувоҳи бўлишади, деб умид қиламиз.

Суҳбатдош Ғ. МАННОПОВ.

Тошкент вилояти Қибрай тумани 25-мактаб жамоаси шу мактабнинг собиқ ўқитувчиси Миркомил МИРОДИЛОВ вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

А.Икромов туманидаги 62-ўрта мактаб жамоаси шу мактабнинг ўқитувчиси Пулатой Абдусаматовага турмуш ўртоғи, Холмат АБДУСАМАТОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Икром ИСКАНДАР, Олимжон ҲАЙИТ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0511. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
123456